

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MANKAMASINING
QARORI**



**ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

« 14 » август 2018 у.

№ 660

Toshkent sh.

**Ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатлари
фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 25 январдаги ПФ–5313-сон, “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 5 мартдаги ПФ–5368-сон фармонларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида” 2018 йил 3 февралдаги ПК–3504-сон қарорида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш, шунингдек спортнинг олимпия ва миллий турлари бўйича терма жамоаларни шакллантириш учун спорт захирасини тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

Ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернати тўғрисида низом 1-иловага;

Ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатига ўқувчиларни қабул қилиш, аттестациядан ўтказиш ва уларнинг ўқишини кўчириш тартиби тўғрисида низом 2-иловага;

Ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатида озиқ-овқат билан таъминлаш харажатларини қисман қоплаш учун ота-оналар тўловини тўлаш тартиби тўғрисида низом 3-иловага;

Ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатининг айрим ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида низом 4-иловага;

Ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернати бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг намунавий штатлар жадвали 5-иловага;

Ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернати ўқувчилари учун суткалик озиқ-овқат нормаси 6-иловага;

Ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернати ҳузуридаги олимпия захиралари марказлари тўғрисида низом 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасининг ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатлари ҳузурида олимпия захиралари марказларини ташкил этиш ва уларда ўқув-машқ жараёнини 2019/2020 ўқув йилидан амалга ошириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

3. Ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатларининг 2018/2019 ўқув йили учун ўқувчилар сони 600 нафар, Республика ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатининг ўқувчилар сони 750 нафар этиб белгилансин.

4. Ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатларининг 6-синфга ўқишга қабул қилиш 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб ташкил этилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 8-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштиради.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳақимов ҳамда Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазири Д.Х. Набиев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А.Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил “14” август даги
660 -сон қарорига
1-илова

**Ихтисослаштирилган олимпия захиралари
мактаб-интернати тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатининг (кейинги ўринларда мактаб-интернат деб аталади) мақоми, мақсади ва асосий вазифалари, ҳуқуқлари, ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш ва бошқариш, шунингдек уни молиялаштириш тартибини белгилайди.

2. Мактаб-интернат ихтисослаштирилган умумтаълим давлат спорт-таълим муассасаси ҳисобланади ва унинг фаолияти юқори малакали мутахассислар ҳамда спортнинг олимпия ва миллий турлари бўйича терма жамоаларни шакллантириш учун спорт захирасини тайёрлашга йўналтирилади.

3. Мактаб-интернат ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, мазкур Низомга ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига, шунингдек ўз уставига амал қилади.

Мактаб-интернат устави Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги томонидан тасдиқланади ва белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилади.

4. Мактаб-интернатнинг ўқувчилар сони 550 нафарни ташкил этиб, улар 6–11-синфларда ўқитилади.

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Республика ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатининг ўқувчилар сони 700 нафарни ташкил этади.

5. Мактаб-интернат юридик шахс ҳисобланади, ўз мустақил балансига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ва бланкаларга, бошқа зарур муҳр ва штампларга, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилигида шахсий ғазна ҳисобрақамлари ва банк ҳисобрақамларига эга бўлади.

6. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги мактаб-интернатга умумий раҳбарлик қилади, назоратни ташкил этади, унинг ташкилий-кадрлар ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш чораларини кўради.

2-боб. Мактаб-интернатнинг мақсади ва асосий вазифалари

7. Қуйидагилар мактаб-интернатнинг мақсади ҳисобланади:

ўқувчиларни чуқурлаштирилган ихтисосли ўқитиш, ҳар томонлама камол топтириш ва уларнинг спорт мутахассисликлари ва касбларини эгаллашини таъминлаш;

ёш спортчиларни истиклол ғояларига садоқат, ватанпарварлик ва фидойилик руҳида тайёрлаш, уларда ўз Ватани билан фахрланиш ва миллий маданий-тарихий анъаналарни ҳурмат қилиш туйғусини шакллантириш.

8. Қуйидагилар мактаб-интернатнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

болалар-ўсмирлар спорт мактаблари ва ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабларида, спорт таълим муассасалари ёки спорт клубларидан дастлабки тайёргарликдан ўтган ҳамда спорт билан шуғулланишга иқтидори бўлган, мактаб-интернатда ўқиш истагини билдирган ўқувчилар ўртасида танлов асосида мактаб-интернатда ўқишни давом эттириш учун танлаб олиш;

республика ва халқаро мусобақаларда қатнашиш учун спорт захирасини терма жамоалар таркибига тайёрлаш;

ўқувчиларнинг республика ва халқаро мусобақаларда иштирок этиши учун зарур ва етарли бўлган касбий мойиллигини, маҳорати ва кўникмалари чуқур ривожлантирилишини таъминлаш, спорт тайёргарлиги таълимининг навбатдаги босқичларида ўқишини, шунингдек эгалланган мутахассислик бўйича меҳнат фаолияти билан шуғулланишни давом эттириш;

мутахассислар ва спорт захирасини сифатли тайёрлаш учун зарур ташкилий, ўқув-методик, моддий-техник ва психологик-педагогик шарт-шароитларни таъминлаш;

давлат таълим стандарти доирасида умумтаълим ўқув дастурларини амалга ошириш;

ўқув-тарбия жараёнининг соғломлаштирувчи йўналишини амалга ошириш учун шарт-шароитларни таъминлаш, соғлом турмуш тарзи нормаларини жорий этиш.

3-боб. Мактаб-интернатнинг ҳуқуқлари

9. Мактаб-интернат қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ҳамда бошқа ташкилотлар орқали халқаро мусобақаларда қатнашиш, Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирлари календарь режасига мувофиқ чет эл мамлакатларида ўқув-машқ йиғинларини ўтказиш;

мактаб-интернатнинг тренер-ўқитувчилар таркиби ходимларини ва спортчиларини алмашиш, кўшма спорт тадбирлари, байрамлар, кўриклар, семинарлар ва шу кабиларни ўтказиш бўйича хорижий спорт ташкилотлари билан белгиланган тартибда битимлар тузиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ таълим ҳамда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида халқаро фаолиятда иштирок этиш.

10. Мактаб-интернат қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хорижий мамлакатлар учун мутахассислар тайёрлашни амалга ошириши мумкин.

11. Мактаб-интернат Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирлари календарь режасига мувофиқ хорижга (тажриба алмашиш, тажриба орттириш, турли тадбирлар, мусобақалар, олимпиадалар ва шу кабиларда қатнашиш мақсадида) юбориш учун спортчилар ва тренерлар танлашни амалга ошириши мумкин.

4-боб. Ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш

12. Мактаб-интернатда ўқув жараёни давлат таълим стандартларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган ўқув режасига асосан амалга оширилади.

13. Ўқув жараёни жадвали, ўқув машғулотлари турлари, аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув-тарбиявий, шунингдек ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишнинг бошқа шакллари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги талабларидан келиб чиқиб белгиланади.

14. Ўқув йили 2 сентябрда бошланади ва ўқув режасига мувофиқ тугалланади.

15. Мактаб-интернатда ўқиш кундузги шаклда амалга оширилади. Ўқув машғулотларининг қанча давом этиши, ўқувчиларнинг ўқув юкмаси ва ўқув-тарбия жараёнининг бошқа масалалари давлат таълим стандартларига мувофиқ белгиланади.

16. Мактаб-интернат ўқув режаси ўқув, ўқув-машқ машғулотлари, яқка тартибда ишлаш ва тарбиявий ишларни ташкил этиш шакллари ва усуллари белгилайди.

Ўқув дастурлари ўқув режасига мувофиқ қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

ўқув дарси – бу ўқув жараёнининг ажралмас қисми бўлиб, таълимий вазият, таълим иштирокчиларининг ўзаро боғлиқлик шакли, таълимнинг мақсади, мазмуни метод ва воситаларини ўзида мужассам этган тизимдир;

маъруза – ўқитишни ташкил этишнинг етакчи шакли бўлиб, ўқувчиларни ўқув материалининг асосий ҳолатларига, ўқувчиларни йўналтирувчанлик, ахборотлилик, методологик, тарбияловчилик ва ривожлантирувчилик вазифаларини амалга оширишга имкон беради;

семинар – таълим берувчини таълим олувчилар билан фаол суҳбатга киришишига йўналтирилган, назарий билимларни амалий фаолиятда амалга ошириш учун зарур шароитни таъминловчи машғулот шакли;

лаборатория иши – ўқувчилар томонидан мустақил равишда экспериментлар ўтказган ҳолда фанларни ўзлаштириши. Тажрибалар шахсий ёки гуруҳга бўлинган ҳолда ташкил этилиши мумкин;

мустақил тайёргарлик – ўқувчилар томонидан ўқитувчи билан мулоқотга киришмаган ҳолда махсус ўқув материалларини ўзлаштириш мақсадида қўлланиладиган ўқув фаолиятининг ажралмас қисми ҳисобланади. Мустақил тайёргарлик дарс жараёнида ва дарсдан ташқари жараёнда оғзаки ёки ёзма равишда қўлланилиши мумкин;

амалий машғулот – ўқитувчи раҳбарлигида илмий-назарий билимларни чуқурлаштириш ва мустақил ишлашга ўргатиш кўникмаларини ҳосил қилиш мақсадида ўтказилади.

Гуруҳда ва яқка тартибдаги ўқув-машқ машғулотларида, ўқув-машқ йиғинларида, мусобақаларда қатнашиш ўқув-тарбия жараёнининг асосий шакллари ҳисобланади.

17. Таълим сифати ва спорт тайёргарлик даражасини назорат қилиш давлат таълим стандарти талабларига мувофиқ амалга оширилади.

18. Ўқув дастурини ўзлаштирган ва якуний давлат аттестациясидан ўтган мактаб-интернатнинг битирувчиларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, мазкур Низомга иловадаги шаклга мувофиқ ўрта-махсус маълумот тўғрисида давлат намунасидаги диплом берилади.

Ўрта-махсус маълумот тўғрисида давлат намунасидаги диплом мактаб-интернат битирувчисига меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини беради.

19. Мактаб-интернатда ўқиш, спорт тайёргарлик, овқатланиш, тиббий даволаниш, меҳнат ва дам олиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича фаолияти, ўқувчилар яшаш шароитлари, шунингдек уларнинг таъминоти қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

20. Мактаб-интернат ўқувчиларининг спорт маҳорати даражасини ошириш мақсадида таътил вақтида 60 кун давом этадиган ўқув-машқ йиғинлари ўтказган ҳолда ўқувчиларнинг фаол дам олишлари ташкил этилади.

21. Мактаб-интернатга қабул қилинган ўқувчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

умумтаълим ва махсус спорт фанлари бўйича ўқиш;

ўқув-машқ жараёнида ва мусобақаларда иштирок этиш;

мактаб-интернатнинг ўқувчилари учун суткалик озиқ-овқат нормасига мувофиқ озиқ-овқат билан таъминланиш (истемол этиш);

мактаб-интернат моддий-техника базаси ва мол-мулкидан бепул фойдаланиш;

ўқувчилар турар жойида бепул яшаш;

белгиланган тартибда ўқишини бошқа таълим муассасасига кўчириш.

22. Мактаб-интернатда ўқувчилар ўқув синфларида 25 нафардан иборат бўлади. Ўқувчилар умумтаълим ва махсус фанлар ўқитиш бўйича синфларга, спорт тайёргарлиги йўналишлари бўйича эса – спорт бўлимларига бирлашади.

23. Умумий ўрта ва касб-ҳунар таълими давлат таълим стандартларига мувофиқ тасдиқланган ўқув режасидаги фанларни ўзлаштирган, шунингдек (босқичли назорат) имтиҳонларни муваффақиятли топширган ўқувчиларни навбатдаги синфга ўтказиш мактаб-интернат директорининг буйруғи билан амалга оширилади.

24. Ўқувчилар:

бошқа таълим муассасасига кўчиришда, шу жумладан, ўқувчиларнинг ўз ташаббуси билан кўчиришда (ўқувчиларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг аризаси асосида);

тегишли спорт норматив талаблар топширилмаганда, спорт натижаси пасайганда ва тиббий номувофиклик ҳолатларида;

ўқув интизоми ва мактаб-интернат ички тартиб қоидалари бузилганда, шу жумладан, ахлоқсизлик, спорт одоби, спорт тайёргарлиги режими бузилган, шу жумладан, тақиқланган фармокологик, алкогольли ва гиёҳванд воситалар қўлланилганда ҳамда спорт билан шуғулланиш учун рухсат этилмайдиган тиббий номувофиклик бўлган тақдирда ўқув йили давомида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мактаб-интернатдан четлатилади.

25. Мактаб-интернат ўқувчиларининг спорт тайёргарлик даражаси ўсиб боришини, спорт мусобақаларида эришган натижаларини таҳлил қилиш, ўқув режасида белгиланган фанларни ўзлаштириш, ўқувчилар турар жойида тартиб-интизом талабларига риоя этиш, жамоатчилик ишларида қатнашганлик даражасини аниқлаш мақсадида ўқув йили давомида икки маротаба ички аттестация ўтказилади.

26. Ўқув йили давомида турли сабабларга кўра ўқувчилар сафидан чиқарилганлар ўрни умумий ўқувчилар контингентидан чиқмаган ҳолда, чорак якуни бўйича иқтидорли ўқувчилар ҳисобидан тўлдирилади.

5-боб. Мактаб-интернатни бошқариш

27. Таълим дастурларини ишлаб чиқиш ва бирхиллаштириш, педагог кадрлар билан таъминлаш, мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги томонидан Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда амалга оширилади.

28. Мактаб-интернатга жисмоний тарбия ва спорт соҳасида тегишли олий маълумотга ва спорт-таълим муассасаларида камида 5 йил амалий иш тажрибасига эга шахслар орасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги томонидан Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси билан келишган ҳолда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган директор бошчилик қилади.

29. Директор:

мактаб-интернат фаолиятига умумий раҳбарлик қилади, ўқувчиларнинг ўқиши ва тарбияланиши, ўқув режалари ва дастурлари бажарилиши, молия-хўжалик фаолияти амалга оширилиши учун жавоб беради, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ходимларнинг белгиланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ходимларнинг штат жадвалини ҳамда тренер-ўқитувчилар ва ўқитувчилар таркибининг тариф жадвалини тасдиқлайди;

мактаб-интернат номидан иш кўради, унинг манфаатларини ифодалайди, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда унинг мол-мулкини тасарруф этади ва шартномалар тузади;

мактаб-интернат ваколатига кирадиган масалалар бўйича қарорлар қабул қилади ва таълим муассасасига юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

ўз ўринбосарлари ваколатларини белгилайди, улар ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

Ўз ваколатлари доирасида мактаб-интернат ўқувчилари ва барча ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

мактаб-интернатнинг ўқув-моддий базасини мустахкамлаш, ўқув-машқ ва ўқув-тарбиявий ишларни такомиллаштириш, малакали педагог кадрлар, тренер-ўқитувчилар билан бутлаш ҳамда мактаб-интернат фаолиятининг бошқа масалалари бўйича айрим масалаларни кўриб чиқиш учун давлат бошқаруви тегишли органларига таклифлар киритади;

педагоглар ва бошқа ходимлар билан меҳнат шартномаларни тузади ва уларни бекор қилади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

30. Мактаб-интернатда директор ҳузуридаги коллегиял орган ҳисобланадиган педагогика ва тренерлар кенгаши ташкил этилади.

Педагогика ва тренерлар кенгашининг асосий вазифалари ва функциялари мактаб-интернат уставида белгиланади.

31. Мактаб-интернатда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларнинг вакилларида иборат бўладиган васийлик кенгаши тузилади.

32. Мактаб-интернатни аттестациядан ва аккредитациядан ўтказиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6-боб. Таълим жараёни қатнашчилари

33. Ўқувчилар, ўқитувчилар ва тренер-ўқитувчилар таркиби, тарбиячилар, тиббиёт ходимлари ва ўқувчиларнинг ота-оналари (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) мактаб-интернат таълим жараёнининг қатнашчилари ҳисобланадилар.

34. Мактаб-интернат ўқувчилари давлат таълим стандартларига мувофиқ бепул таълим олиш, қўшимча таълим хизматларидан фойдаланиш, таълим муассасасининг уставида белгиланган шаклда таълим муассасасини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Мактаб-интернат ўқувчилари мактаб-интернатнинг уставига риоя қилишлари шарт.

35. Тегисли касб таълимига, касбий тайёргарликка эга бўлган ва юксак ахлоқий фазилатли шахслар мактаб-интернатда педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга. Суд қарори билан педагогик фаолият билан шуғулланиши тақиқланган ҳамда уларнинг судланганлиги олиб ташланмаган шахслар мактаб-педагогик фаолият билан шуғулланишга қўйилмайди.

36. Ўқитувчилар ва тренер-ўқитувчилар таркибини, тарбиячиларни ва тиббиёт ходимларини мактаб-интернатга ишга қабул қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

37. Мактаб-интернатнинг ўқитувчилар ва тренер-ўқитувчилар таркибини, тарбиячиларини ва тиббиёт ходимларини аттестациядан ўтказиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

38. Ўқитувчилар ва тренер-ўқитувчиларнинг педагогик юклагаси қонун ҳужжатларида белгиланган нормативларга мувофиқ аниқланади.

39. Ўқитувчилар ва тренер-ўқитувчилар таркибини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

40. Педагог ходимлар ва тренер-ўқитувчиларнинг ҳуқуқлари ва вазифалари қонун ҳужжатларига ва мактаб-интернат уставига мувофиқ белгиланади.

41. Ўқувчиларнинг ота-оналари (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) мактаб-интернатнинг таълим фаолияти билан танишиш ҳуқуқига эгадирлар.

7-боб. Тиббий-биологик таъминлаш

42. Тиббиёт ходимлари тренер-ўқитувчилар билан биргаликда спорт машғулотлари, ўқув-машқ йиғинлари, мусобақалар, дам олиш даврида мактаб-интернат ўқувчиларини тиббий назоратдан ўтказадилар. Тренер-ўқитувчилар тиббий кузатувлар натижаларидан спортчилар тайёрлашнинг яқка тартибдаги режаларига тузатишлар киритиш учун фойдаланадилар.

43. Мактаб-интернат ўқувчиларини тиббий таъминлаш мақсадида функционал ташхис ва саломатликни тиклаш тадбирлари учун саломатликни тиклаш марказига, зарур бино ва асбоб-ускуналарга эга бўлади.

44. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги спортчиларни танлаб олиш ва уларнинг функционал тайёргарлиги ҳолати юзасидан ташхис қўйиш, даволаш-профилактика тадбирлари ва спортчиларнинг саломатлигини тиклаш жараёнларини мақбуллаштириш учун мактаб-интернатга Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ҳар йили ажратиладиган маблағлар доирасида тегишли аппаратлар, зарур реактивлар ва дори-дармонлар билан таъминлайди.

8-боб. Мактаб-интернат фаолиятини молиявий ва моддий таъминлаш

45. Мактаб-интернат фаолиятини молиявий таъминлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар;

таълим хизматларини амалга оширишдан, педагогика, ишлаб чиқариш ва мактаб-интернатнинг уставдаги вазифаларига мувофиқ бўлган бошқа фаолият турларидан олинган даромадлар;

юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

мактаб-интернат ўқувчиларини текин (имтиёзли) овқатлантириш харажатларини қисман қоплаш учун ота-оналар тўлови;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

46. Мактаб-интернат белгиланган тартибда тасдиқланган ва тегишли молия органларида рўйхатдан ўтказилган харажатлар сметаси асосида молиялаштирилади.

47. Мактаб-интернат ходимларининг иш ҳақи қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

48. Мактаб-интернат ўзининг молия-хўжалик фаолиятини бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар доирасида амалга оширади.

49. Мактаб-интернатнинг маблағлари, бинолари, спорт иншоотлари ва асбоб-ускуналари унинг хўжалик тасарруфида бўлади ва улардан уставдаги вазифаларни ҳал этиш учун фойдаланилади.

50. Мактаб-интернат белгиланган тартибда ўз ишлари натижаларининг тезкор ва бухгалтерия ҳисобини амалга оширади, статистик ва бухгалтерия ҳисоботларини юритади.

51. Мактаб-интернатда хўжалик ва молия интизомига риоя этилишини назорат қилиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

9-боб. Яқуний қоида

52. Мактаб-интернатни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ихтисослаштирилган олимпия захиралари
мактаб-интернати тўғрисидаги низомга
илова

**Ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатлари
битирувчиларига бериладиган дипломнинг давлат
НАМУНАСИ**

**Ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернати дипломининг
ТАВСИФИ**

Ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернати дипломи намунаси 150 x 100 мм ўлчовда тўқ-кўк (аъло даражали диплом қизил-мармар) рангли ледериндан тайёрланган. Унинг юза томонида босма нақш усулида олтин рангда юкорида Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири туширилган, пастроқда давлат тилида “IXTISOSLASHTIRILGAN OLIMPIYA ZAXIRALARI MAKTAB-INTERNATI DIPLOMI” сўзлари ёзилган.

Аъло даражали дипломлар учун “O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI IXTISOSLASHTIRILGAN OLIMPIYA ZAXIRALARI MAKTAB-INTERNATI DIPLOMI” ва “THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN DIPLOMA OF SPECIALISED BOARDING SCHOOL OF OLYMPIC RESERVES ” сўзларидан қуйида давлат тилида “Аъло даражали” ва инглиз тилида “With honour’s” сўзлари ёзилади.

Дипломнинг ички варақ ўлчами 142 x 95 мм, жойлашиш тартиби – горизонтал, офсет босма усулда, бўёқлар сони “оддий” – 4+№, “аъло даражали” – 5+№.

Дипломнинг ҳар икки варағида саккизта позицияда: I ҳарфи ва етти та рақамли тартиб рақами ёзилади.

Мукова материали ранги битирувчилар дипломи – тўқ кўк, “аъло даражали” битирувчилар дипломи қизил-мармар рангли. Тўғри бурчакли (юмшоқ ёстикча) билан қопланган қаттиқ мукова. Мукова материали – бумвинил (қоғоз қатлами асоси поливинилхлорид) тўқ кўк ва қизил-мармар рангли, материал қалинлиги 170±20 мкм. Муковада матн олтин ранг зарли қоғозда, диаметри 45 мм бўлган Ўзбекистон Республикаси Давлат герби ва “IXTISOSLASHTIRILGAN OLIMPIYA ZAXIRALARI MAKTAB-INTERNATI DIPLOMI” номи қиздириб нақш солиш йўли билан ёзилади.

Қоғоз тафсилоти:

қоғоз – 100% пахта, қалинлиги 140±5 г/кв.м, оқартиргичсиз, акс этмайдиган ультрабинафша нури;

ёруғликда яхши кўринадиган “пахта кўсаги” кўринишидаги асосий уч ўлчовли сув белгиси;

кўринадиган рангли тола қизил ва яшил тусда, қоғоз сиртида тартибсиз жойлашган, узунлиги 2,5–3 мм, “киприк” шаклида, ультрабинафша нурларисиз кўринадиган;

кўринмайдиган тола кўк ва оч яшил тусда, қоғоз қатламида тартибсиз жойлашган, узунлиги 2,5–3 мм, “киприк” шаклида ультрабинафша нурлари остида кўринадиган.

Босма тафсилоти:

босма жараёнида эксклюзив кимёвий турғун матбаа бўёқлари қўлланилади;

ички варақнинг асосий фони оч жигарранг, икки тангир сеткадан пайдо бўлган ингичка синусоидал чизикдан ташкил топган нусха кўчирмайдиган ҳимоя сифатида хизмат қилади;

тангир сеткаларининг бири “ирис” эффектини қўллаш билан чоп этилади, яъни марказда яшил рангдан четлари бўйича ҳаво рангга равон ўтади;

ички варақ марказида Ўзбекистон Республикаси Давлат герби чоп этилади, диаметри 35 мм, саккиз бурчак билан ҳошияланади;

бланканинг тўрт бурчагида мураккаб чизиқли нақш жойлаштирилади. Бу нақшлар ҳар хил қалинликдаги чизиқлардан ташкил топади, шакли ва зичлиги бир-бирига қопланиб, ягона зарҳални юзага келтиради. Қалбакиликдан нусха кўчирмайдиган ва сканерланмайдиган ҳимоя сифатида хизмат қилади;

ички варақнинг икки тарафи марказида “Хумо” қуши (25 x 40 мм ўлчамли) кийёфасида кўринмайдиган тасвир жойлаштирилади;

кичик матн, бир неча бор катталаштирилгандагина кўринади, узлуксиз чизиқни юзага келтиради ва такрорланмайдиган “IXTISOSLASHTIRILGAN OLIMPIYA ZAXIRALARI MAKTAB-INTERNATI” сўз бирикмасидан иборат. Кичик матн юқори қисмида “SPECIALISED BOARDING SCHOOL OF OLYMPIC RESERVES” сўзи “DIPLOM” сўзи остида ўнг тарафда жойлашади. Нусха тушириш ва қалбакилаштиришдан ҳимояланади;

серия “Г” ва етти хонали рақам, икки тарафда бир хил берилади. Рақам қора флуоресценция бўёғида чоп этилади, ультрабинафша нурларида яшил рангда ёруғлик сочади.

(Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири)

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
IXTISOSLASHTIRILGAN OLIMPIYA ZAXIRALARI
MAKTAB INTERNATI DIPLOMI
I № 0000000

_____ (ismi, otasining ismi, familiyasi)

_____ yilda _____

(ixtisoslashtirilgan olimpiya zaxiralari maktab internati nomi)

ga kirib, _____ yilda _____

_____ ning to'la kursini _____

_____ yo'nalishi bo'yicha tamomladi.

Davlat attestatsiya komissiyasining 20__ yil “___” _____ dagi qaroriga
binoan unga _____

_____ kasbi va

_____ ixtisoslik(lar) berildi.

**Davlat attestatsiya
komissiyasi raisi**

**Direktor
Kotib**

M.O‘

_____ shahri (tumani), _____ yil

Ro'yxat raqami _____

Дипломнинг ички ўнг тарафи

**THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN
DIPLOMA OF SPECIALISED BOARDING SCHOOL
OF OLYMPIC RESERVES**

I № 0000000

(full name)

in 20__ entered _____
(name of specialized boarding school of olympic reserves)

and in 20__ completed a full course offered by the _____
(name of specialized boarding school of olympic reserves)

Having specialized _____
(field of study)

By the decision of the State Attestation Commission on “__” ____ 20__

He/she is qualified as a _____
(name of profession)

and has the following specialities: _____

(Seal) **Chairman of the State
Attestation Commission**

**Director
Secretary**

____ City(district) ____ 20__ year

Registration Number _____

*Ихтисослаштирилган олимпиа захиралари мактаб
интернати битирувчиси дипломига кўчирма varaқ:*

Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири

IXTISOSLASHTIRILGAN OLIMPIYA ZAXIRALARI
MAKTAB INTERNATI DIPLOMIGA ILOVA
_____ RAQAMLI DIPLOMGA ILOVA
(diplomsiz kuchga ega emas)

(familiyasi, ismi, otasining ismi)

20__yilda _____ ga kirib
(ixtisoslashtirilgan olimpiya zaxiralari maktab internati nomi)

20__yilda _____
(ixtisoslashtirilgan olimpiya zaxiralari maktab internati nomi)

maktab internatini tamomladi va o`qish davrida quyidagi fanlarni o`rgandi hamda ushbu baholarni
oldi:

TT/r	Fanlar nomi	O`quv rejasida belgilangan soatlar miqdori	To`plangan reyting ballari
1	2	3	4
I. UMUMTA'LIM FANLARI			
1.	Ona tili va adabiyot		
2.	Chet tili ()		
3.	O`zbek (rus) tili		
4.	Tarix (O`zbekiston tarixi, jahon tarixi)		
5.	Matematika		
6.	Informatika va axborot texnologiyalari		
7.	Fizika. Astronomiya		
8.	Kimyo		
9.	Biologiya		
10.	Amaliy geografiya		
11.	Chaqiruvga qadar boshlang`ich tayyorgarlik		
12.	Jismoniy tarbiya		
13.	Ma`naviyat asoslari		

14.	Falsafiy fanlar: (Shaxs va jamiyat, dinshunoslik asoslari, estetika)		
15.	Oila psixologiyasi		
16.	Huquqshunoslik		
17.	O'zbekiston Konstitutsiyasi		
18.	Milliy istiqlol g'oyasi: asosiy tushuncha va tamoyillar		
II. KASBIY FANLAR			
1.			
2.			
3.			
4.			
5.			
6.			
7.			
8.			
9.			
10.			
11.			
12.			
13.			
14.			
15.			
16.			
17.			
18.			
19.			
20.			
21.			
III. YAKUNIY DAVLAT ATTESTATSIYASI			
1.			
2.			
3.			
4.			
5.			
6.			

Maktab internat direktori

Ishlab chiqarish ta'limi bo'yicha direktor o'rinbosari

20__ yil "___" _____ da berildi

Ro'yxatga olish raqami _____

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил “14” август даги
660- сон қарорига
2-илова

**Ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатига
ўқувчиларни қабул қилиш, аттестациядан ўтказиш
ва уларнинг ўқишини кўчириш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоида

1. Ушбу Низом ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатига (кейинги ўринларда мактаб-интернат деб аталади) ўқувчиларни қабул қилиш, аттестациядан ўтказиш ва уларнинг ўқишини бошқа таълим муассасасига кўчириш тартибини белгилайди.

2-боб. Мактаб-интернатга ўқувчиларни қабул қилиш

2. Мактаб-интернатга болалар-ўсмирлар спорт мактаблари ва ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабларида, спорт таълим муассасалари ёки спорт клубларида дастлабки тайёргарликдан ўтган ҳамда спорт билан шуғулланишга иқтидори бўлган ҳамда мактаб-интернатда ўқиш истагини билдирган ўқувчилар танлов асосида қабул қилинадилар.

3. Ўқувчиларни қабул қилиш 6-синфдан амалга оширилади. Спорт турлари бўйича ўқувчилар контингенти Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан келишган ҳолда мактаб-интернат томонидан белгиланади.

Мактаб-интернатга ўқувчилар танлов шартлари бўйича ўзлаштириш табели асосида қабул қилинади.

4. Мактаб-интернатга ўқувчилар қабулини самарали ташкил қилиш мақсадида таълим муассасасида қабул комиссияси ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги томонидан белгиланган тартибда қабул комиссияси раиси ва масъул котиби тайинланади.

Қабул комиссияси аъзоларининг вазифалари қабул комиссияси раиси томонидан белгиланади.

5. Ҳужжатлар 20 июнь – 20 июль мобайнида қабул қилинади.

6. Ўқишга кирувчилар қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

ўқувчининг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан мактаб-интернат директори номига ариза;

туғилганлик тўғрисида гувоҳнома нусхаси (гувоҳноманинг асли комиссияга шахсан кўрсатилади), такроран берилган ҳолларда туман (шаҳар) фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) органининг тасдиқловчи маълумотномаси;

тиббий маълумотномалар (Ф-026-у шаклдаги мактаб тиббий анкетаси, Ф-063-у шаклдаги профилактик эмлаш картаси, Ф-086-у шаклдаги тиббий маълумотнома, қон, сийдик, гижжа тухуми таҳлили, ЭКГ, 14 ёшдан бошлаб

флюорография, турар жойидан болалар врачидан кечирган касалликлари тўғрисидаги маълумотнома, психоневрологик диспансердан маълумотнома, якка кураш турлари учун умуртқа поғонасининг кўкрак ва бел қисмларининг икки проекциядаги рентген расми ҳамда травматолог хулосаси);

турар жойидан маълумотнома;

3,5 x 4,5 ҳажмдаги 8 та рангли фотосурат.

7. Хужжатлар қабул комиссиясига ўқишга кирувчи томонидан шахсан такдим этилади.

8. Кўрсатиб ўтилган хужжатлар мавжуд бўлганда қабул комиссияси ўқувчиларнинг хужжатларини қабул қилишни рад этишга ҳақли эмас.

3-боб. Касбий (ижодий) имтиҳон ўтказиш

9. Касбий (ижодий) имтиҳонлар икки турда: умумий ҳамда махсус жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш асосида амалга оширилади.

10. Касбий (ижодий) имтиҳонлар 100 балли тизим бўйича баҳоланади, умумий жисмоний тайёргарлик учун – 30 балл ҳамда махсус жисмоний тайёргарлик учун – 70 балл ажратилади.

11. Спорт турлари бўйича касбий (ижодий) имтиҳонлар меъёрлари Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги томонидан тасдиқланади.

12. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги томонидан ўқувчиларни қабул қилиш учун ташкил этилган қабул комиссияси иш фаолиятини назорат қилиб бориш мақсадида спорт турлари бўйича федерация (уюшма)лар, олий спорт маҳорати мактаблари, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси вакили, спорт таълим муассасалари ходимларидан иборат бўлган ишчи гуруҳ шакллантирилиши мумкин.

13. Касбий (ижодий) имтиҳонлар 21 июль – 28 июль мобайнида ўтказилади.

14. Касбий (ижодий) имтиҳонлар натижалари 1 август куни эълон қилинади. Имтиҳондан ўтмаган ўқувчиларнинг хужжатлари уларнинг ота-оналарига ёки уларнинг ўрнини босувчи бошқа шахсларга қайтариб берилади.

15. Спорт турлари бўйича Ўзбекистон чемпионати ва кубоги ғолиб ва совриндорлари, Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоалари аъзолигига ҳамда уларнинг захирасига кирганлар мактаб-интернат ўқувчилари сафига имтиҳонларсиз имтиёзли равишда қабул қилинадилар.

16. Қабул комиссияси қарори асосида ўқувчиларни қабул қилиш тўғрисида мактаб-интернат директори томонидан буйруқ чиқарилади ва ўқувчиларнинг шахсий хужжатлари белгиланган тартибда расмийлаштирилади.

17. Мактаб-интернатга ўқувчиларни қабул қилиш жараёнини ёритиш, шунингдек, ўқувчилар қабулини ошқора ва демократик тамойиллар асосида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида видеокузатувни олиб (ёзиб) бориш лозим ва оммавий ахборот воситалари жалб қилиниши мумкин.

18. Касбий (ижодий) имтиҳон натижаларидан норози бўлган шахслар танлов натижалари эълон қилинган кундан кейин уч кун муддатда мактаб-интернатнинг қабул комиссиясига ариза билан мурожаат қилишлари мумкин.

Касбий (иждодий) имтиҳон натижаларидан норози бўлган фуқароларнинг аризаларини кўриб чиқиш учун уч кишидан иборат апелляция комиссияси тузилади.

Апелляция комиссияси уч кун муддатда аризани ва имтиҳон материалларини кўриб чиқиб, қабул комиссиясига ёзма ҳисобот топширади.

4-боб. Мактаб-интернат ўқувчиларини аттестациядан ўтказиш

19. Мактаб-интернат ўқувчилари ўқув йили давомида икки маротаба (ҳар икки чорақда бир марта) фанларни ўзлаштириши, тегишли спорт нормативларини топширганлиги, спорт натижалари ва тиббий мувофиқлик ҳолатлари юзасидан аттестациядан ўтказиш орқали ҳолисона баҳо бериш ва уларни синфдан-синфга ўтказиш ҳамда ўтказилган аттестация натижасида қайд этилган талабларга жавоб бермаган ўқувчиларни ўқишдан четлатиш директор буйруғи асосида тузилган ишчи гуруҳ томонидан амалга оширилади.

20. Аттестация мактаб-интернат ўқувчисининг ўқув йили давомидаги спорт тайёргарлиги даражасини таҳлил қилиш, Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирлари календарь режасига мувофиқ ўтказилган спорт мусобақаларида эришган натижалари, ўқув режада белгиланган фанларни ўзлаштириши, ўқувчилар турар жойида тартиб-интизом талабларига риоя этиши, жамоатчилик ишларида қатнашганлик даражасини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

21. Аттестация комиссияси аъзолари 7 – 9 кишини ташкил этади, мактаб-интернат директори – комиссия раиси, спорт ишлари бўйича директор ўринбосари – комиссия масъул котиби, таълим муассасасининг касаба уюшмаси кўмити раиси, директорнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари, синф раҳбарлари, тренер-ўқитувчилар ва услубчилардан иборат таркибда шакллантирилади. Зарур ҳолларда аттестация комиссияси таркибига спорт таълим муассасалари ва спорт турлари бўйича федерация (уюшма)лар мутахассислари ҳамда Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитаси вакили жалб қилиниши мумкин.

22. Спорт турлари бўйича тренер-ўқитувчилар аттестация бошланишидан камида 10 кун олдин аттестациядан ўтувчиларнинг аттестацияга оид маълумотлари ва ҳужжатларини тўплайди ва аттестация комиссиясига тақдим этади.

23. Аттестация комиссиясига аттестациядан ўтувчи ўқувчиларнинг қуйидаги ҳужжатлари тақдим этилади:

йил (ўқув йили) давомида эришган натижалари;

йил бошидаги ва аттестация ўтказилаётган вақтдаги спорт разряди (унвони);

йил давомида қатнашган мусобақалари сони ва спортчи кўрсатган натижа таҳлили;

терма жамоага алоқадорлик даражаси;

кўрсатган энг яхши натижаси;

тренер-ўқитувчилар жамоасининг тавсияси;

йил (ўқув йили) давомида умумтаълим ва махсус фанларни ўзлаштириши;

йил (ўқув йили) давомида ўқувчилар турар жойида ички тартиб-қоидаларга риоя этиши;

соғлиғи тўғрисида врач хулосаси.

Аттестация комиссияси аттестациядан ўтувчининг фаолиятига оид қўшимча маълумотлар сўраш ҳукукига эга.

24. Директорнинг спорт ишлари бўйича ўринбосари раҳбарлигида 3 – 5 кишидан иборат эксперт гуруҳи тузилиб, аттестацияга тақдим этилган ҳужжатлар таҳлил қилинади. Ушбу эксперт гуруҳи аттестациядан ўтувчининг спорт, маънавий-маърифий ва ўқиш жараёнидаги фаолиятини таҳлил қилиш ҳамда баҳолаш асосида маълумотнома – аттестация варақасини тайёрлайди.

25. Аттестация варақаси спорт турлари бўйича катта тренер-ўқитувчи, спортчининг шахсий тренери-ўқитувчиси, бўлим услубчиси, бўлим тарбиячиси, синф раҳбари ва бўлим врачлари томонидан имзоланади.

26. Тўпланган ҳужжатлар асосида ўқувчилар билан суҳбат ўтказилади, суҳбат жараёнида берилган савол ва жавоблар махсус (саҳифаланган, боғланган, муҳрланган) журналга қайд этилади. Зарур ҳолларда аудио ёки видеога туширилади.

27. Аттестация натижалари бўйича комиссиянинг хулосаси комиссия аъзолари томонидан очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда аттестация комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

28. Аттестация комиссияси хулосаси аттестация варағига ёзилади ва аттестациядан ўтувчига тўғридан-тўғри аттестациядан сўнг эълон қилинади.

29. Аттестация натижаларига кўра комиссия қуйидаги хулосалардан бирини қабул қилади: Мактаб-интернатда ўқишга “Лойик” ёки “Нолойик”.

30. Аттестация комиссияси хулосалари баённомалар билан тасдиқланади ва улар асосида тегишли буйруқлар чиқарилади.

31. Аттестациядан ўтувчи аттестацияга узрли сабаб билан келмаган тақдирда, уни аттестациядан ўтказиш бошқа муддатга кўчирилади.

32. Аттестация якунларига кўра ўқувчилар сафидан чиқарилган ўқувчилар ўрнига умумий ўқувчилар контингентидан чиқмаган ҳолда, ўқув йилининг ҳар чораги давомида иқтидорли ўқувчилар ўрнатилган тартибда қабул қилинади.

5-боб. Ўқувчининг ўқишини мактаб-интернатдан бошқа таълим муассасасига кўчириш

33. Ўқувчининг ўқишини мактаб-интернатдан бошқа таълим муассасасига кўчириш қуйидаги ҳолатларда амалга оширилади:

а) ўз хоҳишига кўра (ота-онасининг ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг аризаси асосида);

б) аттестация комиссиясининг қарорига кўра;

в) тиббий номувофиқлик бўлганда – врач хулосасига кўра;

г) ўқув интизоми ва ички тартиб-қоидаларни бузганда, тегишли норматив талаблар топширилмаганда, спорт натижаси пасайганда, шу жумладан спорт одоби, спорт тайёргарлиги режими бузилган, тақиқланган фармокологик, алкоғолли ва гиёҳванд воситалар қўлланилган тақдирда – педагогик кенгашнинг қарорига мувофиқ.

Мазкур банднинг “б”, “в” ва “г” кичик бандларида кўрсатилган ҳолларда ўқувчининг ўқишини бошқа таълим муассасага кўчиришда ўқувчи ёки унинг ота-онасининг розилиги талаб этилмайди.

34. Ўқувчилар сафидан чиқарилган ўқувчи ўқишини доимий турар жойи бўйича умумтаълим мактабида давом эттиради.

6-боб. Яқуний қоида

35. Мазкур Низомда белгиланган масалалар бўйича низолар қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил “ 14 ” август даги
660- сон қарорига
3-илова

**Ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатида
озик-овқат билан таъминлаш харажатларини қисман қоплаш учун
ота-оналар тўловини тўлаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатида (кейинги ўринларда мактаб-интернат деб аталади) ўқувчиларни озиқ-овқат билан таъминлаш харажатларини қисман қоплаш учун ота-оналар тўловини тўлаш тартибини белгилайди.

2. Мактаб-интернат ўқувчилари суткалик озиқ-овқат нормасига мувофиқ, ота-оналар тўлови ҳисобига харажатларни қисман қоплаган ҳолда, бепул (имтиёзли) озиқ-овқат билан таъминланадилар.

3. Таътиллار даврида (60 кунгача) мактаб-интернат ўқувчилари учун ўтказиладиган ўқув-машқ йиғинлари вақтида ўқувчилар озиқ-овқат билан тўлиқ таъминланадилар.

2-боб. Ота-оналар тўловини тўлаш тартиби

4. Мактаб-интернатларга ота-оналар тўлови ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) ва мактаб-интернат маъмурияти ўртасида тузиладиган шартнома асосида тўланади.

5. Мактаб-интернатга ота-оналар тўлови ҳар ойда, тўланадиган жорий ойнинг ўнинчи кунидан кечикмай тўланади. Ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) хоҳишига кўра ота-оналар тўлови янада узок муддатлар учун тўланиши мумкин.

Ота-оналар тўлови ушбу банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилган муддатдан кейин бир ҳафта мобайнида тўланмаган тақдирда мактаб-интернат ўқувчисига текин (имтиёзли) озиқ-овқат бериш тўлов тўланадиган вақтгача тўхтатилади.

6. Ота-оналар тўлови банкка тўланади, кейинчалик мактаб-интернатга тўлов тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатининг нусхаси (квитанцияси) тақдим этилади.

Ота-оналар тўлови пул ўтказиш йўли билан тўланган тақдирда мактаб-интернатга тўлов топшириқномасининг нусхаси (тўлов тўланганлиги тўғрисидаги банк белгиси билан) тақдим этилади.

7. Мактаб-интернат бўйича ота-оналар тўлови тегишли ҳудудий ғазначилик ҳисоб рақамларига, кейинчалик улардан фойдаланиш учун мактаб-интернатнинг ғазначилик бўлинмаларидаги ҳисоб рақамларига ўтказилади.

3-боб. Мактаб-интернатларда ота-оналар тўловини ҳисоблаш

8. Мактаб-интернатда ота-оналар тўлови миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдорида белгиланади.

Мактаб-интернатга ота-оналар тўловининг бир кунлик миқдорини ҳисоблаш ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар)нинг бир ойлик тўлови миқдорини қонун ҳужжатларига мувофиқ мактаб-интернатнинг ойлик иш жадвали бўйича иш кунлари сонига тақсимлаш йўли билан амалга оширилади.

9. Мактаб-интернат ўқувчиси ўзининг ёки оила аъзоларининг (у парвариш қилишга мажбур бўлган) касаллиги сабабли мактаб-интернатга кетма-кет уч кундан ортиқ келмаган давр учун тўлов ота-оналар тўловини кейинги тўлаш чоғида ўқувчи мактаб-интернатга келмаган давр учун ҳисоблаб ёзилган тегишли суммани чегириш йўли билан ҳисоблаб чиқарилади.

Бунда ўқувчининг ёки унинг оила аъзоларининг касаллиги (карантин) сабабли мактаб-интернатга келмаганлиги тегишли даволаш муассасаси берган маълумотнома билан тасдиқланиши керак.

10. Мактаб-интернат ўқувчиси ўқув йили давомида спорт турлари бўйича терма жамоа таркибида Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, федерация (уюшма) ёки бошқа маблағлар ҳисобидан мактаб-интернат директорининг буйруғи билан ўқув-машқ йиғинларига жалб этилганда овқатланиш табелига киритилмайди ва ота-она тўлови ҳисобланмайди.

Ўқувчининг ўқув-машқ йиғинлари даври учун тўлов ота-оналар тўловини кейинги тўлаш чоғида ўқувчи мактаб-интернатга келмаган давр учун ҳисоблаб ёзилган тегишли суммани мазкур Низомнинг 8-бандига мувофиқ чегириш йўли билан ҳисоблаб чиқарилади.

Ўқувчи мактаб-интернатга келмаган бошқа барча ҳолатларда ота-оналар тўлови умумий асослар бўйича ундирилади.

11. Мактаб-интернат ўқувчиларига бепул (имтиёзли) овқатланиш учун ота-она тўлови директор томонидан тасдиқланган буйруққа асосан тарбиячи ёки гуруҳ раҳбари томонидан директорнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари раҳбарлигида тақдим этилган овқатланиш учун кунлик табель асосида ҳисобланади.

12. Ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) ўқувчи мактаб-интернатга келиши бошқа таълим муассасасига ўтиши муносабати билан тўхташидан камида бир ҳафта олдин бу тўғрида мактаб-интернат маъмуриятини ёзма равишда хабардор қилиши керак. Мактаб-интернат хабардор қилинмаган тақдирда ота-оналар тўлови сифатида тўланган тўлов қайта ҳисоб-китоб қилинмайди ва қайтариб берилмайди.

13. Ота-оналар тўлови сифатида тўланган маблағларни ота-оналарга (уларнинг ўрнини босувчи шахсларга) қайтариб бериш тегишли суммани ота-оналардан (уларнинг ўрнини босувчи шахслардан) бирининг банкдаги ҳисоб рақамига ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

4-боб. Мактаб-интернат ўқувчиларини ота-оналар тўловидан озод қилиш тартиби

14. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан берилган кам таъминланган оила тўғрисидаги маълумотнома ўқувчиларни ота-оналар тўловидан озод қилиш учун асос ҳисобланади.

Ушбу ҳужжат кўриб чиқиш учун мактаб-интернатга тақдим этилади.

15. Кам таъминланган оилаларнинг ота-оналар тўловидан (режалаштирилаётган ўқувчилар умумий сонининг 30 фоизи доирасида) озод қилинаётган ўқувчилари рўйхати молия йили бошлангунгача, ота-оналар кенгаши йиғилиши баённомаси асосида мактаб-интернат директорининг буйруғи билан тасдиқланади.

Бунда кам таъминланган оилаларнинг ота-онаси (улардан бири ёки иккаласи ҳам) I ёки II гуруҳ ногиронлари бўлган ўқувчилари ота-оналар тўловидан биринчи навбатда озод қилинадилар.

16. Кам таъминланган оила рўйхатида киритилган ўқувчи мактаб-интернат ўқувчилари сафидан чиқарилганда унинг ўрнига умумий кам таъминланган оила рўйхатида бўлган, лекин кам таъминланган оила сифатида ота-оналар тўловидан озод этилганлар рўйхатида киритилмаган ўқувчи кейинги ойдан рўйхатга киритилади ва ота-она тўловидан озод этилади.

17. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги томонидан спорт турлари бўйича барча ёшлар тоифасидаги Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоалари асосий ва захира таркибига киритилган ўқувчилар директорнинг буйруғига асосан спорт терма жамоаларининг асосий ва захира таркибида бўлган даврда ота-она тўловидан озод этилади.

18. Мактаб-интернатга ота-оналар тўлови бўйича маблағларни ҳисоблаш ва тушишининг бухгалтерия ҳисоби тегишли мактаб-интернатнинг бухгалтерияси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

5-боб. Якуний қоидалар

19. Мактаб-интернатларнинг раҳбарлари ва бош бухгалтерлари ота-оналар тўловидан тушадиган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши учун жавоб берадилар.

20. Ота-оналар тўловидан тушган маблағлардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш белгиланган тартибда амалга оширилади.

21. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил “ 14 ”август даги
660 - сон қарорига
4-илова

**Ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатининг
айрим ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернати (кейинги ўринларда мактаб-интернат деб аталади) директорлари, директорнинг спорт ишлари бўйича ўринбосари, директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари, директорнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари (кейинги ўринларда директор ўринбосарлари деб аталади), катта инструктор-методисти, инструктор-методистлари, тренер-ўқитувчилари, спорт психологлари ва тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва шартларини белгилайди.

2. Мактаб-интернатнинг директори, директор ўринбосарлари, катта инструктор-методисти, инструктор-методистлари, спорт психологлари ва тиббиёт пункти ходимлари (кейинги ўринларда мактаб-интернатнинг айрим ходимлар деб аталади), тренер-ўқитувчилари ва ўқитувчилари меҳнатига ҳақ тўлаш Вазирлар Маҳкамасининг “Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими ходимлари иш ҳақи тизимини такомиллаштириш тўғрисида” 2008 йил 1 августдаги 165-сон қарорига мувофиқ амалга оширилади.

Мактаб-интернатнинг тиббиёт пункти ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш Вазирлар Маҳкамасининг “Тиббиёт ходимларининг иш ҳақи тизимини такомиллаштириш тўғрисида” 2005 йил 21 декабрдаги 276-сон қарорига мувофиқ амалга оширилади.

3. Мактаб-интернатнинг айрим ходимларига, тренер-ўқитувчиларига ушбу Низомга асосан қўшимча ва устамалар белгиланади.

2-боб. Мактаб-интернатнинг айрим ходимларига устамалар белгилаш

4. Мактаб-интернатнинг айрим ходимлари меҳнатини рағбатлантириш мақсадида уларга, ўқувчилар юқори спорт натижаларига эришган тақдирда, базавий тариф ставкасига қуйидаги ҳар ойлик устамалар белгиланади:

Мактаб-интернат ўқувчиларининг спортдаги натижалари	Ўқувчини тайёрлашда бевосита қатнашган ходимларга бир нафар ўқувчи учун устама ҳақ миқдори, базавий тариф ставкасига нисбатан фоизларда		
	директор-га	директор ўринбосарлари, катта инструктор-методистга, инструктор-методистларга, спорт психологлари	тиббиёт пункти ходимларига
Олимпия ўйинлари, жаҳон чемпионатлари ва кубоклари	10	8	7

совриндори (I-III ўринлар)			
Осиё ўйинлари, Осиё чемпионатлари ва кубоклари совриндори (I-III ўринлар)	7	6	6
Ўзбекистон Республикаси чемпионатлари ва кубоклари совриндори (I-III ўринлар)	6	5	4
Спорт турлари бўйича барча ёшлар тоифасидаги Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоалари асосий таркиби	5	4	3
Спорт турлари бўйича барча ёшлар тоифасидаги Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоалари захира таркиби	3	3	2

5. Агар спорт тайёргарлигидан ўтаётган ўқувчи турли спорт ютуқларига эга бўлса, мактаб-интернатнинг айрим ходимларига, ушбу ўқувчи учун ютуқлар ҳисобга олинган ҳолда белгиланган устаманинг энг юқори миқдори қўлланади.

6. Устамаларнинг жами миқдори:

мактаб-интернат директори, директор ўринбосарлари, катта инструктор-методисти ва тиббиёт пункти ходимлари учун – белгиланган базавий тариф ставкасининг 300 фоизидан;

мактаб-интернатнинг спорт бўлими инструктор-методистлари ва спорт психологлари учун – бириктирилган спорт турлари бўйича эришилган спорт натажалари учун, лекин базавий тариф ставкасининг 300 фоизидан ошмаслиги керак.

7. Ушбу Низомнинг 4-бандида кўрсатилган устамаларни белгилаш календарь йил бошида, мактаб-интернатнинг ўқувчилари контингентидан ва уларнинг олдинги йилдаги спорт натижаларидан келиб чиққан ҳолда мактаб-интернатнинг тренер-ўқитувчилари тарификациясини ва штатлар жадвалини тузишда амалга оширилади.

Йил давомида устамалар миқдорларини ўзгартириш мактаб-интернатнинг тасдиқланган меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида амалга оширилади ва мактаб-интернат раҳбарининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

8. Мактаб-интернатнинг айрим ходимлари ва тренер-ўқитувчиларига устамалар:

Олимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон ва Осиё чемпионатлари ҳамда кубоклари совриндорларини тайёрлашни таъминлаганлик учун – кўрсатиб ўтилган спорт мусобақаларида ўқувчи томонидан эришилган натижа (I – III ўринлар) санасидан кейинги ойнинг бошидан эътиборан белгиланади ва ушбу даражадаги кейинги халқаро мусобақалар (кейинги Олимпия ўйинлари, жаҳон чемпионатлари ва шу кабилар) ўтказилгунга қадар сақлаб қолинади;

Ўзбекистон Республикаси чемпионатлари ва кубоклари совриндорларини тайёрлашни таъминлаганлик учун – кўрсатиб ўтилган спорт мусобақаларида

ўқувчи томонидан эришилган натижа (I – III ўринлар) санасидан кейинги ойнинг бошидан эътиборан белгиланади ва бир календарь йил мобайнида сақлаб қолинади.

Ўзбекистон Республикаси спорт терма жамоасининг асосий таркибига спортчилар (стажёрлар) тайёрлашни таъминлаганлик учун – ўқувчи Ўзбекистон Республикаси спорт терма жамоасининг асосий таркибига (стажёрликка) киритилган санадан кейинги ой бошидан эътиборан белгиланади ва ўқувчининг жамоа таркибида бўладиган бутун даврида сақлаб қолинади.

9. Мактаб-интернат айрим ходимларига ўқувчининг спортдаги натижалари учун устамаларни тўлаш унинг мактаб-интернат таркибидан расман чиқиб кетиш (бошқа спорт-таълим муассасасига ўтиш, мактаб-интернатидан чиқарилиш, уни битириш) санасидан кейинги ойнинг бошидан эътиборан тўхтатилади.

3-боб. Тренер-ўқитувчиларга иш ҳақи ва устамаларни ҳисоблаш

10. Спорт тайёргарлик босқичи ва спорт турларининг гуруҳларидан келиб чиқиб тренер-ўқитувчиларга тўланадиган иш ҳақи ва устамаларнинг фоизлари белгиланади.

11. Мактаб-интернатда спорт тайёрлаш босқичлари қуйидагилардан иборат:

Ўқув-машқ босқичи. Бу босқичда спортнинг танланган тури бўйича бир йилдан кам бўлмаган тегишли тайёргарликдан ўтган ва умумий жисмоний ҳамда махсус тайёргарлик бўйича қабул қилиш меъёрларини бажарган соғлом ўқувчилардан танлов асосида гуруҳлар шакллантирилади. Бу босқичда ўқув йилларига ўтказиш ўқувчилар томонидан умумий жисмоний ва махсус тайёргарлик бўйича ўтказиш – назорат меъёрларини бажариш шarti ҳамда спорт тоифасининг борлиги билан амалга оширилади.

Спорт маҳоратини такомиллаштириш босқичи. Ушбу босқичда ўқув-машқ босқичидан ўтган ҳамда махсус жисмоний ва спорт тайёргарлиги бўйича қабул ва ўтказиш меъёрларини, уларнинг спорт маҳорати даражаси талабларини бажарган ўқувчилардан гуруҳлар шакллантирилади. Бу босқичда ўқув йилларига ўтказиш спорт кўрсаткичлари динамикасининг ижобий ўсиши шarti билан амалга оширилади.

Олий спорт маҳорати босқичига спорт маҳоратини такомиллаштириш босқичидан ўтган, тегишли спорт разрядига эга бўлган ҳамда минтақа ёки республика даражасида Ўзбекистон Республикаси спорт терма жамоалари асосий ва захира таркибига қабул қилиш учун қўйиладиган талабларга жавоб берадиган, шунингдек, спортда барқарор юқори натижалар кўрсатадиган ўқувчилардан жамланади.

Спорт тайёргарлиги босқичлари бўйича ўқув гуруҳлари билан ўқув машғулоти ишлари режими (ҳафтадаги академик соатлар) ва гуруҳлардаги ўқувчилар сони қуйидаги жадвал асосида амалга оширилади:

Ўқувчилар тайёргарлигининг даражаси ва босқичлари	Ўқув йили	Ўқув гуруҳлари билан ўқув машғулоти ишлари режими (хафтадаги академик соатлар*)	Спорт турлари гуруҳлари		
			I	II	III
			Ўқув гуруҳларининг тўлдирилиши (ўқувчилар сони)		
Олий спорт маҳорати	Бутун давр	32	3-5	6-8	3-5
Спорт маҳоратини такомиллаштириш	1 йилдан кўп	28	4-6	6-8	4-6
	1 йил	26	5-7	8-10	5-7
Ўқув-машқ	2 йилдан кўп	20-24	6-8	10-12	6-8
	2 йил	18-24	4-10	10-14	6-10

Изоҳ. Ўқув гуруҳлари таркибида бир ёки бир неча Ўзбекистон терма жамоа аъзоси (асосий таркиб) мавжуд бўлса ҳафталик ўқув соати ҳажми 36 соатгача оширилиши мумкин.

* Ўқув машғулотлар академик соат бўйича белгиланади. 1 академик соат – 45 дақиқадан иборат.

ўқув йиллари бўйича меъерий талаблар спорт тайёргарлиги босқичлари бўйича спорт разрядлари талаби қуйидаги жадвал асосида амалга оширилади.

Ўқувчилар тайёргарлигининг даражаси ва босқичлари	Ўқитиш йили	Ўқувчиларга спорт разряди талаблари
		I – III спорт турлари гуруҳлари
Олий спорт маҳорати	Бутун давр	Спорт усталигига номзод, спорт устаси, халқаро тоифадаги спорт устаси
Спорт маҳоратини такомиллаштириш	1 йилдан кўп	I разряд, спорт усталигига номзод
	1 йил	I – III разряд
Ўқув-машқ	2 йилдан кўп	I-ўсмирлар, III разряди
	2 йил	III-ўсмирлар разряди

12. Спорт турлари гуруҳлар бўйича қуйидаги тартибда тақсимланади:

I спорт турларининг биринчи гуруҳига – спортнинг жамоавий ўйин турларидан ташқари, спортнинг барча олимпия турлари;

II спорт турларининг иккинчи гуруҳига – спортнинг жамоавий ўйин турлари;

III спорт турларининг учинчи гуруҳига – спортнинг ноолимпия ва миллий турлари.

4-боб. Мактаб-интернат тренер-ўқитувчиларининг лавозим маоши

13. Мактаб-интернатнинг тренер-ўқитувчиларига лавозим маошлари меҳнатга ҳақ тўлашнинг базавий тариф ставкасидан, белгиланган нормативларидан ёки ўқув машғулоти ишларининг режалаштирилаётган ҳажмларидан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ҳамда ушбу Низомда назарда тутилган устама ва қўшимча ҳақлардан келиб чиққан ҳолда уларни ўқув ва календарь йили бошида тарификациялашда белгиланади.

14. Мактаб-интернатнинг тренер-ўқитувчилари меҳнатига ҳақ тўлаш ҳар бир ўқувчи учун меъёр бўйича амалга оширилади.

15. Бир нафар ўқувчига нисбатан мактаб-интернат тренер-ўқитувчисининг меҳнатига қўшимча ҳақ тўлашда тренер-ўқитувчининг базавий тариф ставкасига нисбатан қуйидаги фоизлар белгиланади:

Спорт мусобақалари даражаси	Спорт натижаси	Ўқув даври	Бир нафар ўқувчига нисбатан базавий тариф ставкасига белгиланадиган фоиз миқдори		
			I	II	III
1	2	3	4	5	6
I. Ўзбекистон Республикаси спорт терма жамоаларининг асосий ва захира, республика ва халқаро мусобақаларга ўқувчиларни тайёрлаш					
Спорт турлари бўйича барча ёшлар тоифасидаги Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоалари асосий таркибига		бутун даврда	55 %	45 %	40 %
Спорт турлари бўйича барча ёшлар тоифасидаги Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоалари захира таркибига		бутун даврда	45 %	35 %	30 %
Олимпия ўйинлари, жаҳон чемпионати ва Кубоги совриндорлари (I-III ўрин)	1-ўрин	бутун даврда	200 %	200 %	200 %
	2-ўрин		180 %	180 %	180 %
	3-ўрин		160 %	160 %	160 %
Осиё ўйинлари, Осиё чемпионати ва Кубоги совриндорлари (I-III ўрин)	1-ўрин	бутун даврда	150 %	140 %	130 %
	2-ўрин		140 %	130 %	120 %
	3-ўрин		130 %	120 %	110 %
Ўзбекистон Республикаси чемпионати ва Кубоги совриндорлари (I-III ўрин)	1-ўрин	бутун даврда	100 %	90 %	80 %
	2-ўрин		90 %	80 %	70 %
	3-ўрин		80 %	70 %	60 %
II. Мактаб-интернатларда спорт захираси тайёргарлиги босқичлари бўйича ўқувчиларнинг тайёрлашда амалга ошириладиган фоизлар миқдори					
Олий спорт маҳорати		Бутун давр	40	25	35
Спорт маҳоратини такомиллаштириш		Бутун давр	30	15	20
Ўқув-машқ		Бутун давр	12	8	10

16. Ўқувчиларни Ўзбекистон Республикаси спорт терма жамоаларининг асосий таркибига ва стажёрларини, республика ва халқаро спорт мусобақалари совриндорларини тайёрлаш учун мактаб-интернатлари тренер-ўқитувчилари меҳнатига ҳақ тўлаш нормативлари миқдорлари энг юқори ҳисобланади. Бир нафар ўқувчи учун тренер-ўқитувчиларга меҳнатга ҳақ тўлаш нормативларининг аниқ миқдорларини белгилаш тўғрисидаги қарор мактаб-интернат директори томонидан, меҳнатга ҳақ тўлашнинг белгиланган миқдорлари ва фонди доирасида қабул қилинади.

17. Бир нафар ўқувчи учун нормативлар бўйича ўқув машғулоти ишлари учун мактаб-интернатнинг тренер-ўқитувчиси меҳнатига ҳақ тўлашда тренер-ўқитувчининг лавозим маошини устамалар ва қўшимча ҳақларсиз ҳисоблаб чиқариш унга белгиланган базавий тариф ставкасини унинг меҳнатига

ҳақ тўлашнинг фоизлар ҳисобидаги нормативига кўпайтириш йўли билан амалга оширилади.

Тренер-ўқитувчи томонидан бир нечта ўқувчи тайёрланган тақдирда ушбу тренер-ўқитувчининг меҳнатига ҳақ тўлаш нормативи ҳар бир ўқувчи бўйича унинг спортдаги ютуқларини ва тайёрлаш босқичларини ҳисобга олган ҳолда, белгиланган нормативлар миқдорларини жамлаш йўли билан белгиланади.

Бунда тренер-ўқитувчининг устама ва қўшимча ҳақларсиз лавозим маоши унга белгиланган базавий тариф ставкаси миқдорининг уч юз фоизидан ошмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги мактаб-интернатнинг юқори тоифали спортчилар тайёрлашда салмоқли натижаларга эришган ўқувчиларнинг (Олимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон ва Осиё чемпионатлари ҳамда кубокларида совринли ўринларни қўлга киритган) айрим тренер-ўқитувчиларига базавий тариф ставкаси миқдорининг беш юз фоизигача миқдорда лавозим маоши белгилаши мумкин.

18. Бир нафар ўқувчи учун меҳнатга ҳақ тўлаш нормативи миқдори мактаб-интернатнинг тренер-ўқитувчисига:

Ўзбекистон Республикаси спорт терма жамоасининг асосий таркибига спортчилар (стажёрлар) тайёрлаганлик учун – ўқувчи Ўзбекистон Республикаси спорт терма жамоасининг асосий таркибига (стажёрликка) киритилган санадан кейинги ой бошидан эътиборан белгиланади ва ўқувчи жамоа таркибида бўладиган бутун даврда сақланиб қолади;

Олимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон ва Осиё чемпионатлари ҳамда кубоклари совриндорларини тайёрлаганлик учун – кўрсатиб ўтилган спорт мусобақаларида ўқувчи томонидан эришилган натижа (I – III ўринлар) санасидан кейинги ой бошидан эътиборан белгиланади ва ушбу даражадаги кейинги халқаро спорт мусобақалари (кейинги Олимпия ўйинлари, жаҳон чемпионатлари ва шу кабилар) ўтказилгунгача сақланиб қолади;

Ўзбекистон Республикаси чемпионатлари ва кубоклари совриндорларини тайёрлаганлик учун – кўрсатиб ўтилган спорт мусобақаларида ўқувчи томонидан эришилган натижа (I – III ўринлар) санасидан кейинги ой бошидан эътиборан белгиланади ва шу каби кейинги Ўзбекистон Республикаси чемпионатлари ва кубоклари ўтказилгунгача, бироқ бир йилдан кўп бўлмаган даврга сақланиб қолади.

19. Агар мактаб-интернатнинг тренер-ўқитувчиси меҳнатига ҳақ тўлаш нормативининг белгиланган миқдори амал қиладиган даврда унинг раҳбарлигида спорт тайёргарлигидан ўтаётган ўқувчи спортдаги натижасини яхшиласа (масалан, Ўзбекистон Республикаси спорт терма жамоасининг асосий таркиби аъзоси Осиё ўйинлари совриндори бўлса), у ҳолда тренер-ўқитувчининг меҳнатига ҳақ тўлаш нормативи миқдори, ўқувчи ютуқларини ҳисобга олган ҳолда энг юқори кўрсаткич бўйича тегишли равишда қайта кўриб чиқилади ва унинг янгидан ҳисоблаб чиқилган амал қилиш муддати белгиланади.

20. Агар мактаб-интернат тренер-ўқитувчиси меҳнатига ҳақ тўлашнинг белгиланган нормативи амал қиладиган даврда унинг раҳбарлигида спорт тайёргарлигидан ўтаётган ўқувчи мазкур тренер-ўқитувчининг ўқув гуруҳи

таркибидан чиқиб кетса (бошқа тренер-ўқитувчи раҳбарлигидаги бошқа ўқув гуруҳига, бошқа спорт-таълим муассасасига ўтказилса ва шу каби ҳолатларда), у ҳолда тренер-ўқитувчи меҳнатига ҳақ тўлаш нормативи миқдори:

Ўзбекистон Республикаси спорт терма жамоасининг асосий таркибига спортчилар (стажёрлар) тайёрлаганлик учун ўқувчи тренер-ўқитувчининг ўқув гуруҳи таркибидан расман чиқиб кетган санадан кейинги ой бошидан эътиборан камайиш томонига қайта кўриб чиқилади;

Олимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон, Осиё чемпионатлари ва кубоклари, Ўзбекистон Республикаси чемпионатлари ва кубоклари совриндорларини тайёрлаганлик учун ушбу Низомнинг 8-бандида кўрсатилган муддат мобайнида сақланиб қолади.

21. Ўқув гуруҳига йил мобайнида бошқа тренер-ўқитувчи раҳбарлигида, шунингдек, бошқа таълим муассасасидан ўқувчилар сафига қабул қилинган, юқори спорт натижаларига эришган ўқувчи ўтказилган мактаб-интернат тренер-ўқитувчиси меҳнатига ҳақ тўлаш нормативи миқдори:

Ўзбекистон Республикаси спорт терма жамоасининг асосий таркибига спортчилар (стажёрлар) тайёрлаганлик учун ўқувчи мазкур тренер-ўқитувчининг ўқув гуруҳи таркибига расман қабул қилинган санадан кейинги ой бошидан эътиборан белгиланади;

Олимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон, Осиё чемпионатлари ва кубоклари, Ўзбекистон Республикаси чемпионатлари ва кубоклари совриндорларини тайёрлаганлик учун ўқувчи мазкур тренер-ўқитувчи раҳбарлигида кўрсатиб ўтилган мусобақаларда мазкур натижага (I – III ўринлар) такроран эришгунгача белгиланмайди;

Бошқа таълим муассасасидан ўқувчилар сафига қабул қилинган ўқувчи учун тренер-ўқитувчининг меҳнатига ҳақ тўлаш, ўқувчининг спорт тайёргарлик гуруҳига мос равишда расман ўқувчилар сафига қабул қилинган санадан кейинги ой бошидан эътиборан белгиланади.

22. Спорт тайёргарлик фаолиятини амалга ошириш, юқори малакали ўқувчиларни тайёрлашда самарадорликни ошириш мақсадида мактаб-интернат тренер-ўқитувчилар фаолиятини қуйидагича ташкил этиши мумкин:

ўқувчилар билан ўтказиладиган ўқув-машқ жараёнига бир-бирига яқин бўлган спорт турларига хореограф, акробат ва психолог тренер-ўқитувчиларни жалб этиш;

ўқувчилар билан ўқув-машқ жараёнини олиб бориш учун ихтиёрийлик асосида бригадага бирикиши.

Бригадага жалб қилинган тренер-ўқитувчилар ва ўқувчилар таркиби мактаб-интернат тренер-ўқитувчиларининг умумий йиғилиши қарорига кўра мактаб-интернат директорининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

Шунингдек, бригада иштирокида эришилган спорт натижаси, уларни тайёрлашдаги меҳнатга ҳақ тўлаш меъёри бригаданинг барча аъзоларига нисбатан ҳисобланиши мумкин.

Бригадага аъзо бўлган ҳар бир тренер-ўқитувчининг ўқувчини тайёрлашдаги улуши тренер-ўқитувчиларнинг умумий йиғилишида аниқланади ва мактаб-интернат директорининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

23. Директор, директорнинг спорт ишлари бўйича ўринбосари, катта инструктор-методистлар ўзларининг асосий лавозими бўйича иш вақти мобайнида, тегишли маълумотга ва малака тоифасига эга бўлган спорт бўйича тренер-ўқитувчининг базавий тариф ставкаси ҳисобидан ҳақ тўланган ҳолда ўз мактаб-интернатларида ўқув-машқ машғулоти олиб боришлари мумкин. Уларнинг тренер-ўқитувчилик ишлари ҳажми мактаб-интернат тренер-ўқитувчисининг белгиланган ўқув машғулоти ишлари ҳажмининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

24. Мактаб-интернат тренер-ўқитувчиларининг машғулотларга тайёргарлик кўриши, ташкилий ва тарбиявий ишларни олиб бориши, шунингдек, жамоани (ўқувчини) мусобақага тайёрлаш учун сарфлаган вақтига қўшимча ҳақ тўланмайди. Тренер-ўқитувчининг спорт тадбирларида (республика ва халқаро миқёсда) иштироки даври учун ойлик иш ҳақи сақланиб қолади.

25. Мактаб-интернатнинг спорт турлари бўйича катта тренер-ўқитувчиларига энг кам ойлик иш ҳақининг 30 фоизи миқдорида ҳар ойлик тўловлар белгиланади.

26. Фахрий унвонга эга бўлган тренер-ўқитувчиларга Вазирлар Маҳкамасининг “Фархрий унвонлар эгаларига тўловларни тайинлаш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2008 йил 3 январдаги 2-сон қарорига асосан тўловлар белгиланади.

5-боб. Якуний қоидалар

27. Ўзбекистон Республикаси спорт терма жамоаларининг асосий ва захира таркиблари белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги томонидан тасдиқланади ва мактаб-интернатга етказилади.

28. Айрим ходимларга ва тренер-ўқитувчиларга иш ҳақи ҳамда ҳар ойлик қўшимча ҳақ ва устамаларни ҳисоблаб чиқиш ва тўлашнинг тўғрилиги ҳамда асосланганлиги юзасидан жавобгарлик ушбу мактаб-интернатларнинг раҳбари ва бош ҳисобчи зиммасига юкланади.

29. Мактаб-интернат айрим ходимларига ва тренер-ўқитувчиларга қўшимча ҳақ ва устамаларни тўлаш уларнинг иш ҳақини тўлаш билан бир вақтда амалга оширилади.

30. Мактаб-интернат айрим ходимларига ва тренер-ўқитувчиларига иш ҳақи ҳамда ҳар ойлик қўшимча ҳақ ва устамаларни ҳисоблаш ва тўлашнинг тўғрилиги, ҳолисоналиги юзасидан назорат белгиланган тартибда ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил “ 14 ” август даги
660 - сон қарорига
5-илова

**Ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернати бошқарув,
техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг
НАМУНАВИЙ ШТАТЛАР ЖАДВАЛИ**

Т/р	Лавозимлар номи	Штат бирлиги сони
1.	Директор	1
2.	Директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари	1
3.	Директорнинг спорт ишлари бўйича ўринбосари	1
4.	Директорнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари	1
5.	Директорнинг хўжалик ишлари бўйича ўринбосари	1
6.	Ҳарбий чакириккача тайёргарлик раҳбари	1
7.	Котиб-иш юритувчи	1
8.	Кадрлар бўйича бош инспектор	1
9.	Кадрлар ва ўқувчилар бўйича инспектор	1
10.	Юрисконсульт	1
11.	Бош муҳандис-энергетик	1
12.	Психолог	1
13.	Спорт психологи	3
14.	Иш юритувчи	1
15.	Бош бухгалтер	1
16.	Бухгалтер	3
17.	Кассир	1
18.	Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги муҳандиси	1
19.	Ўқув бўлими мудири	1
20.	Ўқув бўлими услубчиси*	1
21.	Ёшлар етакчиси**	1
22.	Спорт захирасини тайёрлаш ва мониторингини юритувчи бўлим катта инструктор-методисти	1
23.	Инструктор-методист	8
24.	Спорт шифокори (Тиббиёт пункти мудири)	1
25.	Шифокор-травматолог	1
26.	Шифокор-педиатор, олий тоифали	1
27.	Шифокор-диетолог	1
28.	Ҳамшира, олий тоифали	2
29.	Ҳамшира, 1-тоифали	2
30.	Массажист	2
31.	Санитарка (кичик тиббий ходим)	1
32.	Бош ошпаз	1
33.	Ошпаз	7
34.	Ошхона ишчиси	4

35.	Идиш-товоқ ювувчи	4
36.	Ёрдамчи ишчи	1
37.	Юкчи	1
38.	Омбор мудири	1
39.	Омборчи (кладовшик)	2
40.	Таъминот бўйича агент	1
41.	Катта тарбиячи	1
42.	Кир ювиш бўйича машинист	2
43.	Кийим ва бельёни таъмирлаш бўйича ишчи	1
44.	Дазмолчи	1
45.	Махсус оёқ кийимларини таъмирловчи ишчи	1
46.	Бино ва иншоотларга хизмат кўрсатиш бўйича муҳандис	1
47.	Комунникация хизматлари бўйича муҳандис	1
48.	Видео-ёзув оператори	2
49.	Дизенфектор	1
50.	Сув узатиш тармоқларини таъмирловчи ишчи	1
51.	Архивариус	1
52.	Овоз оператори	1

** 2020 йил 1 июлгача фаолият олиб боради.*

*** 2020 йил 1 июлдан иш фаолиятини бошлайди.*

Изоҳ.

1. От спорти тури мавжуд бўлган ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатларининг қўшимча штат бирлиги Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги томонидан Молия вазирлиги билан келишган ҳолда тасдиқланади.

2. Ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатлари ходимлари учун алоҳида лавозимларни киритиш меъёрлари ушбу намунавий штатлар иловасига мувофиқ амалга оширилади.

Ихтисослаштирилган олимпия захиралари
мактаб-интернати бошқарув, техник, хизмат
кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг
намунавий штатларига
илова

**Ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатлари бошқарув,
техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимлари учун алоҳида
лавозимларни киритиш
МЕЪЁРЛАРИ**

1-боб. Умумий қоида

1. Ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатлари бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг намунавий штатларида назарда тутилган ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатлари (кейинги ўринларда мактаб-интернат деб аталади) бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг алоҳида лавозимлари мазкур меъёрларга мувофиқ киритилади.

2-боб. Мактаб-интернатларда алоҳида лавозимларни киритиш меъёрлари

2. Мактаб-интернатда ўқув йўналиши бўйича ўқувчилар сони 300 нафар ва ундан ортиқ бўлса – 1,0 бирлик бўлим мудир лавозими киритилади.

3. Мактаб-интернат ўқув режасида ўқув-лаборатория амалий машғулоти ўтказилиши кўзда тутилган ҳамда амалий машғулотлар ўтказилиш учун жиҳозланган ҳар бир ўқув-лаборатория хонаси мавжуд бўлса – 1,0 бирлик лаборант лавозими киритилади.

4. Мактаб-интернатнинг лингафон, компьютер ва ўқув-техника жиҳозлари ўрнатилган хоналарига хизмат кўрсатиш учун – 1,0 бирлик лингафон, компьютер ва ўқув-техника жиҳозларига хизмат кўрсатувчи техник лавозими киритилади.

5. Мактаб-интернатнинг гардероб хонасидаги мавжуд 250 та ва ундан ортиқ жиҳозланган кийим сақлаш жойлари учун – 1,0 бирлик гардеробчи (кийим сақловчи) лавозими мавсумий 5 ойга киритилади.

6. Мактаб-интернатнинг 2500 кв. м ва ундан ортиқ қоплама тўшалган (асфальт, бетон, брусчатка) майдонини супуриш учун – 1,0 бирлик ҳовли супурувчи лавозими киритилади. Қоплама тўшалган майдоннинг кейинги ҳар 2500 кв. м учун 1,0 бирликдан ҳовли супурувчи лавозими киритилади.

7. Мактаб-интернатнинг мевали боғ, гулзор ва кўкаламзорлаштирилган 0,5 га.дан 2,0 га.гача майдони учун – 1,0 бирлик, кейинги ҳар 2,0 га. майдон учун – 1,0 бирлик боғбон лавозими киритилади. Ижарага берган майдони бундан мустасно.

8. Мактаб-интернатни кеча-кундуз қўриқлаш учун дам олиш ва байрам кунлари ҳамда таътил даврида ҳар бир ўрин алмашиш иш вақти ҳисобга олинган ҳолда ҳар бир алоҳида бино, иншоотлар учун 4,0 бирлик қоровул лавозими киритилади. Бунда ҳудуддан ташқарида жойлашган бинолар учун ҳам алоҳида 4,0 бирлик қоровул лавозими киритилади.

9. Ҳар бир алоҳида бино, шу жумладан ўқувчилар турар жойи, спорт иншоотлари учун – алоҳида комендант 1,0 бирлик штат лавозими киритилади (очиқ спорт майдонларидан ташқари).

10. Бино, иншоотлар ва жиҳозларни жорий таъмирловчи ва хизмат кўрсатувчи:

электромонтёр лавозими 700 тагача ёритиш нуқталари (виключатель, разетка ва каробка) (таълим муассасаси балансида бўлган кўча ёритиш нуқталари ҳам ҳисобланади) учун – 0,5 бирлик, ёритиш нуқталари 700 дан ортиқ бўлса – 1,0 бирлик;

чилангар (сантехник) лавозими – сув қувурлари, канализация ва иссиқлик қуввати билан жиҳозланган ҳар 2800 кв.м майдон учун – 1,0 бирлик (бирок мактаб-интернатда 5,0 бирликдан ортиқ бўлмаган ҳолда);

чилангар (газ сваркачиси) лавозими – сув қувурлари, канализация ва иссиқлик қуввати билан жиҳозланган ҳар 2800 кв.м майдон учун – 1,0 бирлик (бирок таълим муассасасида 5,0 бирликдан ортиқ бўлмаган ҳолда);

чилангар (электр сваркачиси) лавозими – сув қувурлари, канализация ва иссиқлик қуввати билан жиҳозланган ҳар 2800 кв.м майдон учун – 1,0 бирлик (бирок таълим муассасасида 5,0 бирликдан ортиқ бўлмаган ҳолда);

дурадгор лавозими – таълим муассасаси биносининг фойдаланиладиган 3500 кв.м ва ундан ортиқ майдони учун – 1,0 бирлик (таълим муассасасида 3,0 бирликдан ортиқ бўлмаган ҳолда) киритилади.

Муассаса балансидаги биноларнинг эксплуатация ишлари ихтисослаштирилган ташкилот томонидан шартнома асосида амалга оширилганда, иншоотлар ва жиҳозларни жорий таъмирловчи ва хизмат кўрсатувчи ишчилар лавозимлари киритилмайди.

11. Биноларнинг ички қисми, шу жумладан хизмат хоналари, йўлаклар, зинапоялар, мажлислар зали ва спорт зали ҳамда ўқув-аудитория (ётоқхонанинг ўқувчилар ётадиган хоналари бундан мустасно) майдонини тозаловчи фаррош лавозими ҳар 700 кв.м тозалаш майдони учун – 1,0 бирлик ҳисобидан келиб чиққан ҳолда киритилади.

12. Биноларнинг ички қисмидаги, спорт залларидаги ҳожатхона ва чўмилиш хоналарини тозаловчи фаррош лавозими ҳар 50 кв.м тозалаш майдони учун – 1,0 бирлик ҳисобидан келиб чиққан ҳолда киритилади.

13. Уй-жой коммунал хўжалик тизимига ўтказилмаган мактаб-интернатларда иситиш мавсумида (5 ой) ўт ёқувчи лавозими:

локал иситиш тизимида кўмир, торф, мазут ва ҳоказолар билан иситиладиган ҳар бир қозонхонага ҳар бир ўрин алмашиш иш вақти учун – 2,0 бирликдан, табиий газ ёқилғиси билан ишлайдиган ҳар бир қозонхоналарда (қозонхона ҳажмидан қатъи назар) ҳар бир ўрин алмашиш иш вақти учун – 1,0 бирликдан;

алоҳида кичик қозонлар билан иситиладиган ҳар бир алоҳида манзилда жойлашган бинолар мажмуасига ҳар бир ўрин алмашиш иш вақти учун қозонлар сони 6 тагача бўлса – 1,0 бирликдан, 6 ва ундан ортиқ бўлса – 2,0 бирликдан;

иситиш печлари орқали иситиладиган муассасаларда ҳар 10 та печ учун – 1,0 бирликдан ва кейинги ҳар 5 – 9 та печ учун кўшимча 0,5 бирликдан (лекин муассаса учун 0,5 бирликдан кам бўлмаган ҳолда) киритилади.

14. Мактаб-интернатда 1,0 бирликда ҳар иккита бинога комплекс хизмат кўрсатувчи ва биноларни жорий таъмирлаш ишчиси лавозими доимий киритилади.

15. Тарбиячи лавозими дам олиш ва байрам кунларида ҳар бир ўрин алмашиш иш вақти ҳисобга олинган ҳолда, мактаб-интернатнинг ўқувчилар турар жойида яшовчи ҳар 25 нафар ўқувчига 1,0 бирлик ҳисобидан киритилади.

16. Мактаб-интернатнинг ҳар бир алоҳида жойлашган ўқувчилар турар жойи учун уларнинг ҳар бир ўрин алмашиш иш вақти учун – 1,0 бирлик (бирок 4,0 ўрин алмашиш иш вақтидан ортиқ бўлмаган ҳолда) ўқувчилар турар жойининг навбатчи тарбиячиси лавозими киритилади.

17. Мактаб-интернатнинг ўқувчилар турар жойида 300 нафар ва ундан ортиқ ўқувчилар истикомат қилаётган бўлса – 0,5 бирлик паспортист лавозими киритилади.

18. Хўжалик бекаси лавозими мактаб-интернат ўқувчилар турар жойида яшовчи ўқувчилар сони 150 нафардан 300 нафаргача – 1,0 бирлик, 300 нафардан ортиқ бўлса – 2,0 бирлик штат киритилади.

19. Лифтчи лавозими бир бинода жойлашган ва фойдаланилаётган ҳар бир лифт ёки лифтлар гуруҳига ҳар бир ўрин алмашиш иш вақтида учун – 1,0 бирлик (бирок 2,5 ўрин алмашиш иш вақтидан ортиқ бўлмаган ҳолда) киритилади.

20. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 майдаги 153-сон қарори билан тасдиқланган Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган вазирлик ва идоралар аппаратлари, уларга бўйсунувчи ташкилотлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари енгил хизмат автомашиналари чекланган миқдорларига мувофиқ транспорт воситаларининг чекланган сонидан (лимитидан) келиб чиқиб, соз ҳолатдаги ҳар бир автотранспорт воситаси учун – 1,0 бирлик ҳайдовчи лавозими киритилади.

21. Мактаб-интернат балансига киритилган “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” мусобақасида ва бошқа спорт тадбирларида ғолиб бўлганлик учун берилган транспорт воситалари учун таълим муассасасининг харажатлар сметасида ёқилғи-мойлаш материаллари учун маблағлар режалаштирилиб, 1,0 бирлик ҳайдовчи лавозими киритилади. Таълим муассасаси раҳбари учун хизмат автомашинаси сифатида фойдаланилаётган транспорт воситалари бундан мустасно.

22. Мактаб-интернат ўқувчиларининг турли хил тадбирларда хавфсиз қатнашишини таъминлаш учун мўлжалланган махсус автотранспорт (автобус, микроавтобус) воситаси мавжуд бўлса, уларнинг ҳар бири учун алоҳида 1,0 бирлик автобус ҳайдовчиси лавозими киритилади.

23. Спорт иншоотлари, ёпиқ ва очик сув ҳавзаси ҳамда бассейнлари мавжуд бўлган мактаб-интернатларда 1,0 бирликдан дезинфектор ҳамда сувдан ҳар бирига алоҳида қутқарувчи, таъмирловчи ва тозалувчи лавозимлари киритилади.

24. Ёпиқ ва очик сув ҳавзасида сув иншоотлари насос станцияси операторлари ҳамда бассейнлари мавжуд бўлган 1,0 бирликдан оператор кеча-кундуз ишлаш учун дам олиш ва байрам кунлари ҳамда таътил даврида ҳар бир ўрин алмашиш иш вақти ҳисобга олинган ҳолда ҳар бир алоҳида бино, иншоотлар учун 4,0 бирлик оператор лавозими киритилади.

25. Ёпиқ ва очик сув ҳавзасида сув иншоотларига алоҳида хлор билан ишлов берувчи 1,0 бирлик штат лавозими киритилади.

26. Футбол майдонини таъмирловчи ва тозаловчи учун – 1,0 бирлик штат бирлиги.

27. Мактаб-интернатнинг балансидаги мавжуд соз ҳолатдаги трактор техникаси учун – 1,0 бирлик техникани бошқариш тракторист лавозими киритилади.

28. Ҳар бир алоҳида жойлашган спорт иншоотлари ва спорт майдонлари учун тозаловчи, таъмирловчи 1,0 бирлик штат бирлиги лавозими киритилади.

3-боб. Якуний қондалар

29. Ушбу Меъёрлар асосида тузиладиган штатлар жадвалини рўйхатдан ўтказиш учун тақдим қилишда, унга мактаб-интернатнинг асосий ишлаб чиқариш кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар (ўқувчилар контингенти, бинолар сони, майдонлар ҳажми, филиаллар (агар мавжуд бўлса) тўғрисидаги маълумотлар) муассаса раҳбари ва бош бухгалтери томонидан имзоланган ҳолда илова қилинади.

30. Штат жадвалини тузишда мактаб-интернатнинг йилнинг 1 январь ҳолатидаги рўйхатида мавжуд бўлган ўқувчилар сони ҳисобга олинади ва у ўқувчилар сони ўзгаришига кўра йилнинг 1 сентябрдаги ҳолати бўйича қайта кўриб чиқилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил “14” августдаги
660 - сон қарорига
6-илова

**Ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернати
ўқувчилари учун суткалик озиқ-овқат
НОРМАСИ**

Т/р	Маҳсулотлар номи	Грамм (брутто)
1.	Буғдой нони, 1-нав	600
2.	Буғдой уни, 1-нав	30
3.	Ёрма, макарон маҳсулотлари	160
4.	Қанд-шакар	100
5.	Асал	30
6.	Қандолатчилик маҳсулотлари	120
7.	Сариёғ	80
8.	Ўсимлик ёғи	30
9.	Сут-қатик	600
10.	Қаймоқ	50
11.	Творог	100
12.	Пишлоқ	50
13.	Гўшт, парранда гўшти	410
14.	Колбаса маҳсулотлари	70
15.	Балиқ	100
16.	Тухум (дона)	2
17.	Картошка	500
18.	Сабзавотлар, шу жумладан, помидор пастаси	700
19.	Мева-резаворлар, шарбатлар, витаминли ичимликлар	800
20.	Қуруқ мевалар, шу жумладан, наъматак - 5 гр, баргак	50
21.	Чой	3
22.	Какао	5
23.	Йодланган туз	10
24.	Хамиртуруш	1
25.	Минерал сув	500
	Оқсиллар	231,8
	Ёғлар	228,8
	Углеводлар	957,9
	Калорияси	6693,8

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил “14” август даги
660 -сон қарорига
7-илова

**Ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернати
ҳузуридаги олимпия захиралари марказлари тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернати ҳузуридаги олимпия захиралари марказларининг (кейинги ўринларда марказ деб аталади) асосий вазифалари ва функциялари, ҳуқуқлари ва мажбуриятларини, шунингдек фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

Марказ юридик шахс ҳисобланмайди.

2. Марказ ўз фаолияти ҳақида Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигига ва Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасига ҳисобот беради.

Марказнинг ихтисослашуви минтақаларда шаклланган мактабларни, миллий анъаналарни, тренер-ўқитувчилар таркибини ҳамда эришилган спорт натижаларини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

2-боб. Марказнинг асосий вазифалари ва функциялари

3. Қуйидагилар марказнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

халқаро даражадаги спортчиларни тайёрлаш учун ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернати (кейинги ўринларда мактаб-интернат деб аталади) мутахассисларни, тренер-ўқитувчилар, спорт психологлари ва инструктор-методистларни, шу жумладан хорижий мамлакатлардан етакчи мутахассисларни кенг жалб этиш орқали марказ тренер-ўқитувчилари таркибини мустаҳкамлаш;

спортчиларнинг ўқув-машғулоти жараёнини халқаро стандартлар даражасида ташкил этиш, илғор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда, ўқув-машқ жараёнларига энг янги илмий-услубий технологияларни жорий этиш йўли билан уларни назарий ва техник-тактик жиҳатдан тайёрлаш сифатини мунтазам ошириб бориш;

ёш истиқболли спортчиларни танлаш ва тарбиялаш масалалари бўйича умумтаълим мактаб спорт мактаблари, олий таълим муассасаси, ташкилот ҳамда федерация (уюшма)лар билан узлуксиз ҳамкорликни амалга ошириш, уларга ўқув-методик ҳамда меъёрий-ахборот ёрдами кўрсатишни таъминлаш;

мактаб-интернат базасида миллий терма жамоалар ва уларнинг захиралари иштирокида ўқув-машқ йиғинлари, республика ва минтақавий спорт мусобақаларини ташкил этиш ва мунтазам равишда ўтказиб бориш, тренер-ўқитувчилар ҳамда спортчиларнинг касб маҳорати даражасини ошириш учун тажриба алмашиш бўйича хорижий клублар ва марказлар билан ҳамкорликни ривожлантириш.

4. Марказ юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни бажаради:

иктидорли ва истикболли спортчиларнинг спорт камолотига эришиши учун уларга зарур шарт-шароитлар яратади;

манфаатдор ташкилотлар ва муассасалар билан биргаликда спорт захираси ва юқори маҳоратли спортчиларни танлаш ва тайёрлашнинг методик ва тиббий таъминланишини амалга оширади;

ўқитишнинг барча босқичларида спортчилар спорт тайёргарлигининг ишлаб чиқилган ўқув режалари ва ўқув дастурларига мувофиқ ўқув-машқ жараёнининг ташкил этилиши ва ўтказилишини, унга илғор илмий технологиялар ва методикалар жорий этилишини ташкил этади;

ўқув-машқ жараёни натижаларини, спортчиларнинг жисмоний ривожланишининг яқка тартибдаги кўрсаткичлари ўсиши динамикасини, спорт тури техникасининг асослари ўзлаштирилишини таҳлил қилади;

спортчиларнинг ўқув-машқ йиғинларида, туман, шаҳар, вилоят, республика ва халқаро спорт тадбирларида иштирокини таъминлайди;

спорт турлари бўйича энг янги жаҳон илмий-методик тавсияларни ва технологияларини қўллаган ҳолда кучли спортчилар – республиканинг миллий терма жамоаларига номзодларни ва уларнинг захираларини тайёрлайди;

спортчиларнинг спорт мусобақаларида, чемпионат ва кубокларда, турнирларда, фестивалларда, конференцияларда, симпозиумларда, семинарларда, йиғинларда ва бошқа спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларда, шу жумладан халқаро тадбирларда иштироки орқали спортчиларнинг спорт маҳоратини, марказнинг ва мактаб-интернат тренер-ўқитувчилари ва бошқа мутахассисларининг малакасини ошириш тадбирларини ўтказди.

3-боб. Марказнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги

5. Марказ:

тайёрлаш даври ва босқичига кўра ўқув машғулоти ишларининг бир ҳафталик режимини белгилаш;

ўқитиш ва тарбиялашнинг қонун ҳужжатларига зид бўлмаган шакли, воситалари ва усулларини танлаш;

юкланган вазифаларни бажариш юзасидан тадбирларни амалга ошириш учун мактаб-интернатга бириктирилган моддий-техник база ва мол-мулкдан белгиланган тартибда фойдаланиш ҳуқуқига эга.

6. Марказ:

ўқув-машқ ва тарбиявий жараёни амалга ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратилишини, спортчилар томонидан ўз мажбуриятлари, ўқув дастурлари ва топшириқлар бажарилишини таъминлашга;

спорт турлари бўйича тасдиқланган ўқув дастурлари асосида марказнинг йиллик ўқув-машқ машғулотлари жадвалини ишлаб чиқишга;

спорт турлари бўйича ўқув дастурлари талабларига ва ўқув режаларига мувофиқ ўқув-машқ ва тарбиявий жараёни амалга оширишга;

ўқув-машқ жараёнини ўтказиш даврида марказнинг спортчилари хавфсизлигини таъминлашга;

мактаб-интернат моддий-техника базаси ва мол-мулки сақланишини, улардан мақсадли фойдаланилишини таъминлашга мажбур.

7. Марказ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда:

ўқув-машқ жараёнининг қўлланиладиган шакллари, усуллари ва уни ташкил этиш воситаларининг спортчиларнинг ёши билан боғлиқ рухий-жисмоний хусусиятларига, майлларига, қобилиятларига, қизиқишларига, уларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш талабларига муқобиллиги;

спортчилар ва ходимларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиниши;

юкланган вазифаларнинг зарур даражада ва самарали бажарилиши учун жавоб беради.

4-боб. Марказга спортчиларни қабул қилиш ва спорт ўқув гуруҳларини тўлдириш

8. Спортчиларни марказга қабул қилиш ўқиш ва ишлаш жойидан қатъи назар спорт турлари бўйича ёшлар миллий терма жамоаларининг асосий таркиби аъзолари ва захирасидан, спортнинг муайян тури билан шуғулланиш учун зарур спорт кўрсаткичларига ва юқори маҳоратли спортчи салоҳиятига эга бўлган истиқболли спортчилар орасидан танлов асосида амалга оширилади.

Марказга мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ контингентдаги спортчилар қабул қилинади.

9. Спортчиларни марказга қабул қилиш белгиланган тартибда мактаб-интернат директорининг буйруғи билан амалга оширилади.

10. Марказга спортчиларни қабул қилиш, аттестациядан ўтказиш, четлатиш ва тиклаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси томонидан тасдиқланади.

11. Марказ спортчилари:

ўқув режалари ва ўқув дастурларига мувофиқ тренер-ўқитувчининг раҳбарлигида спорт тайёргарлигидан ўтиш, ўқув-машқ жараёнида ва спорт мусобақаларида қатнашиш;

марказ томонидан белгиланган тартибда марказнинг ахборот ресурслари, жисмоний тарбия-спорт иншоотлари, спорт анжомлари ва асбоб-ускуналаридан фойдаланиш;

якка тартибда фойдаланиладиган спорт формаси ва анжомларини белгиланган тартибда олиш;

ўқув-машқ машғулотлари жараёнида соғлиғининг хавфсиз шарт-шароитлари ва муҳофаза қилиниши, тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

12. Марказ спортчилари:

ўз назарий, умумий ва махсус жисмоний тайёргарлигини доимий равишда ошириб боришга, спорт маҳоратини такомиллаштиришга;

якка тартибдаги ва гуруҳли машғулотларнинг ўқув режалари ва ўқув дастурларини бажаришга;

спорт режимига ва гигиеник талабларига риоя қилишга;

тренер-ўқитувчилар ва бошқа спортчиларнинг шаъни ва шахсий ҳуқук ва эркинликларини ҳурмат қилишга;

мактаб-интернатнинг мол-мулкига виждонан муносабатда бўлишга, марказнинг ички тартибига риоя этишга;

тиббий назорат талабларига қатъий риоя қилишга, мунтазам равишда, 6 ойда камида бир марта диспансер кўригидан ўтишга мажбур.

5-боб. Ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш ва унинг мазмуни

13. Ўқув йилининг қанча давом этиши спорт турининг ўзига хослигига, спорт мусобақалари тақвимига, спорт тайёргарлигининг даврийлаштирилишига боғлиқ бўлади ва спортнинг ҳар бир тури учун мактаб-интернат томонидан якка тартибда белгиланиши мумкин.

14. Спортчилар билан ўқув-машқ машғулотлари белгиланган тартибда тасдиқланган ўқув дастурлари ва йиллик ўқув режаси бўйича ўтказилади.

15. Ўқув-машқ машғулотларининг мазмуни белгиланган тартибда тасдиқланган ўқув дастурларига мувофиқ бўлиши керак.

16. Ўқув-машқ жараёни ўқитишнинг техник воситалари кенг қўлланган, тиклаш тадбирлари ўтказилган ҳолда спорт машқларининг замонавий методикалари асосида тренер-ўқитувчилар томонидан амалга оширилади ҳамда машқ қилиш ва мусобақалашish фаолиятини бирга қўшиб олиб бориш негизида курилади.

17. Марказда спортчиларни тайёрлаш бўйича ҳар йилги спортчилар учун назорат нормативлари спорт федерация (уюшма)ларининг таклифларига биноан Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси томонидан тасдиқланади.

18. Марказда спортчиларни тайёрлаш сифати юзасидан назорат Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси томонидан спорт федерация (уюшма)лари билан биргаликда амалга оширилади.

19. Марказда спортчиларнинг кўп йиллик спорт тайёргарлиги ўқув-машқ босқичида, спорт камолоти ва олий спорт маҳорати босқичларида амалга оширилади.

20. Қуйидагилар марказ ўқув-машқ жараёнининг асосий шакллари ҳисобланади:

гуруҳлар бўйича ва якка тартибдаги ўқув-машқ ва назарий машғулотлар;

ўқув-машқ йиғинлари;

спортчиларнинг соғлиғини тиклаш, профилактика ва соғломлаштириш тадбирларини, тиббий-биологик текширишларни, педагогик тестдан ўтказишни амалга ошириш;

спортчиларнинг мусобақаларда ва турли даражадаги мусобақа учрашувларидаги иштирокини ташкил этиш;

спорт-соғломлаштириш оромгоҳларида спортчилар билан машғулотлар ўтказиш;

ўқув видеоёзувларини, кинодастурларини, шунингдек етакчи спортчилар иштирокидаги спорт мусобақаларини кўриш ва таҳлил қилиш.

21. Республика ва халқаро мусобақаларда қатнашишга қўйилган жамоалар ва спортчиларни тайёрлаш спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасига мувофиқ ўқув-машқ йиғинларини ўтказати.

22. Ўқув-машқ йиғинларини ташкил этиш ва ўтказиш белгиланган тартибда марказнинг календарь йил бошланишидан икки ой олдин тасдиқланадиган спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасига мувофиқ амалга оширилади.

23. Ўқув-машқ йиғинларининг вазифалари туман, шаҳар, вилоят, республика ва халқаро спорт тадбирларининг календарь режасини ҳисобга олган ҳолда мактаб-интернатлар тренер-ўқитувчилар кенгаши томонидан аниқланади. Ўқув-машқ йиғинлари спортчиларнинг спорт маҳоратини оширишни таъминлаши керак, улар мақбул шароитларда ва машқ тизимининг муайян даврларида ўтказилади.

24. Марказнинг турли спорт мусобақаларида ва оммавий жисмоний тарбия тадбирлардаги, шу жумладан турли ташкилотлар томонидан ўтказиладиган халқаро тадбирлардаги иштироки тасдиқланган календарь режасига ва уларнинг регламентларига, низомларига ёки расмий таклифларга мувофиқ амалга оширилади.

25. Марказ ўқув-машқ машғулоти жараёнида директор тасдиқлаган режага мувофиқ спортчилар билан тарбиявий ишларни амалга оширади. Марказнинг тарбиявий ишлари шахснинг ҳар томонлама камол топишига ёрдам беради ва спортчиларда ватанпарварлик туйғусини, жисмоний тарбия ва спорт машғулотирига эҳтиёжни, уларнинг ўз билимлари, маҳорати ва кўникмаларини доимий равишда тўлдириб боришига йўналтирилади.

6-боб. Марказни бошқариш

26. Марказни бошқариш ушбу Низомга, бошқа қонун ҳужжатларига ва марказ уставига мувофиқ амалга оширилади.

27. Мактаб-интернат директори марказга жамоатчилик асосида раҳбарлик қилади.

28. Мактаб-интернат директори марказ ишларига умумий раҳбарлик қилади, унинг фаолияти юзасидан тўлиқ жавоб беради, тренер-ўқитувчилар жамоаси билан биргаликда марказни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилайди, давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотларида унинг манфаатларини ифодалайди, марказ кадрларини танлайди, ходимларни, шу жумладан тренер-ўқитувчиларни лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади.

29. Марказда ташкилий, тарбиявий, соғломлаштириш ва методик ишларни олий жисмоний тарбия маълумоти ва тренер-ўқитувчилик ишида камида бир йил тажрибага эга бўлган мутахассислар орасидан тайинладиган инструктор-методист амалга оширади.

Инструктор-методист ўқув-машқ машғулотиришнинг ўтказилиши, спорт турлари бўйича дастурлар, ўқув режалари ва машғулотлар жадвалининг бажарилиши, ўқув-методик ҳужжатларнинг юритилиши, марказнинг разрядчилари ва спорт рекордларининг ҳисобга олиниши юзасидан назоратни амалга оширади,

марказнинг методик кабинети ишларига раҳбарлик қилади, тиббиёт муассасалари, таълим муассасалари ва ўқув-тарбия жараёни масалалари бўйича бошқа ташкилотлар билан алоқани таъминлайди.

30. Марказнинг тренер-ўқитувчилар таркиби олий ёки ўрта махсус, жисмоний тарбия бўйича касбий маълумотга эга бўлган мутахассислар орасидан тўлдирилади.

Спорт бўйича тренер-ўқитувчилар ўқув гуруҳларини танлаш ва тўлдиришни, спортчилар билан тарбия ва ўқув-машқ ишларини амалга оширади, спортчиларнинг тиббий ва диспансеризация кўригидан ўз вақтида ўтишини назорат қилади, спортчиларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда улар учун ўқув-машқ режаларини ишлаб чиқади, ўқув-машқ жараёнига энг самарали ҳамда замонавий шакллар ва методларни жорий этиш ҳамда уларни такомиллаштириш бўйича таклифлар киритади.

31. Спортчиларнинг ота-оналари (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) марказда ўтказиладиган ўқув-машқ ва тарбия жараёни билан танишиш, шунингдек марказнинг низомида назарда тутилган тартибда унда қатнашиш ҳуқуқига эга.

7-боб. Тиббий назорат

32. Марказ спортчилари учун белгиланган намунадаги тиббий-назорат картаси тўлдирилади, унда спортчилар соғлиғининг ҳолати тўғрисидаги маълумотлар ва доимий назорат мактаб-интернат тиббиёт ходимлари томонидан олиб борилади ва ҳужжатлар жамланмаси тиббиёт пунктида сақланади.

33. Марказ спортчиларини пухта тиббий текширувлардан ўтказиш учун соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан мутахассислар жалб қилиниши мумкин.

8-боб. Марказнинг моддий таъминоти, унинг молиялаштирилиши ва ҳисоботлари

34. Марказнинг спорт асбоб-ускуналарини, анжомларини, методик адабиётларини ва кўргазмали қўлланмаларини, спорт кийимлари ва формаларини сотиб олиш, шунингдек спортчиларнинг спорт тадбирларида ва ўқув-машқ йиғинларида қатнашишини таъминлаш мактаб-интернатга ажратилган маблағлар доирасида амалга оширилади.

Тасдиқланган йиллик режада назарда тутилмаган тадбирлар ўтказиладиган тақдирда уларни ташкил этиш мактаб-интернатнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

35. Марказ спортчилари учун суткалик озиқ-овқат нормаси мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ мактаб-интернатга ажратилган маблағлар доирасида амалга оширилади.

36. Марказ фаолиятини молиялаштириш конун ҳужжатларида белгиланган тартибда:

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

конун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

37. Марказ белгиланган тартибда мониторинг ва статистика ҳисоботи мактаб-интернатнинг бухгалтерия хизмати томонидан юритилади.

38. Марказ спортчилари ота-оналар тўловидан озод қилинади.

9-боб. Яқуний қоида

39. Мазкур Низомда белгиланган масалалар бўйича низолар қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинади.

Ихтисослаштирилган олимпия
захиралари мактаб-интернати
ҳузуридаги олимпия захиралари
марказлари тўғрисидаги низомга
1-илова

**Ихтисослаштирилган олимпия захиралари
мактаб-интернати ҳузуридаги Олимпия захиралари марказининг қабул
КОНТИНГЕНТИ**

Т/р	Таълим муассасаси номи	Контингент сони
1.	Республика ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернати	50
2.	Андижон ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернати	50
3.	Урганч ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернати	50
4.	Чирчиқ ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернати	50
5.	Нукус ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернати	50
6.	Самарқанд ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернати	50
7.	Фарғона ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернати	50
8.	Наманган ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернати	50
9.	Бухоро ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернати	50
10.	Навоий ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернати	50
11.	Қарши ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернати	50
12.	Жиззах ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернати	50
13.	Термиз ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернати	50
14.	Гулистон ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернати	50
Жами:		700

Изоҳ. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги Ўзбекистон
Миллий олимпия қўмитаси билан келишган ҳолда ҳудудий марказлар контингентига
ўзгартириш қиритиши мумкин.

Ихтисослаштирилган олимпия
захиралари мактаб-интернати
ҳузуридаги олимпия захиралари
марказлари тўғрисидаги низомга
2-илова

**Ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернати
ҳузуридаги Олимпия захиралари маркази спортчилари
учун суткалик озиқ-овқат
НОРМАСИ**

Т/р	Маҳсулотлар номи	Грамм (брутто)
1.	Бугдой нони, 1-нав	600
2.	Бугдой уни, 1-нав	30
3.	Ёрма, макарон маҳсулотлари	160
4.	Қанд-шакар	100
5.	Асал	30
6.	Қандолатчилик маҳсулотлари	75
7.	Сариёғ	80
8.	Ўсимлик ёғи	30
9.	Сут-қатиқ	600
10.	Қаймоқ	50
11.	Творог	100
12.	Пишлоқ	50
13.	Гўшт, парранда гўшти	410
14.	Колбаса маҳсулотлари	70
15.	Балиқ	100
16.	Тухум (дона)	2
17.	Картошка	500
18.	Сабзавотлар, шу жумладан, помидор пастаси	600
19.	Мева-резаворлар, шарбатлар, витаминли ичимликлар	800
20.	Қуруқ мевалар, шу жумладан, наъматак - 5 гр, баргак	50
21.	Чой	3
22.	Какао	5
23.	Йодланган туз	10
24.	Хамиртуруш	1
25.	Минерал сув	200
	Оқсиллар	238,4
	Ёғлар	238,4
	Углеводлар	1017,9
	Калорияси	7133,04

Изоҳ. Марказга аъзо бўлган спортчилар (спортчи-ўқувчилар) учун алоҳида таомнома тузилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил “14” август даги
660 -сон қарорига
8-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини
йўқотган деб ҳисобланаётган айрим қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Олимпия захиралари коллежларида спорт захирасини тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2010 йил 30 июлдаги 163-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 7-сон, 40-модда).

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Олимпия захиралари коллежлари тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш тўғрисида” 2013 йил 2 августдаги 215-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 йил, 8-сон, 50-модда).

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Олимпия захиралари коллежлари тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш тўғрисида” 2015 йил 31 июлдаги 221-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2015 йил, 7-сон, 67-модда).

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 2015 йил 4 сентябрдаги ЎРҚ-394-сон Қонуни) ” 2016 йил 20 октябрдаги 355-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 йил, 10-сон, 95-модда) 5-банди.

5. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2017 йил 15 февралдаги ПК-2779-сон қарори)” 2017 йил 16 майдаги 288-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2017 йил, 20-сон, 367-модда) 13-банди.